



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 16-oktyabr №42 (4337)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҲАР ЗАРРАСИ — УЛУҒ ҲИКМАТ

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда улуғвор бир олам гавдаланади. Машрику Мағриб шаҳарлар ичра машҳурроғи бўлиши Самарқанд салкам уч минг йилдан буён бутун дунё аҳлини ўзига жалб этиб келади. Зеро, мовий гўмбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим қаторида "абдий шаҳар" деган ном билан шухрат қозонгани бежиз эмас.

Замона зайли, тақдир тақозоси билан "ҳинд сори юзланган" Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандни "Рубъи масқунда анингдек шаҳар йўқ", деб таърифлайди. Бу кўҳна шаҳар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ва унда "Самарқанд — маданиятлар учрашадиган макон" деган сўзлар ёзиб қўйилгани, Самарқанд инсон умри давомида бориб кўриши зарур бўлган 50 шаҳардан бири саналиши ҳам унинг яна бир эътирофидан далolatдир.

Минг йиллар давомида ўзининг табиати, бой илмий-маданий мероси билан жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келадиган Самарқанд мустақиллик йилларида қайта юз очди. Даставвал тарихий обидалар, зиёратгоҳларни ободонлаштиришга эътибор қаратилди. Улуғ қадамжолардан бири бўлган Имом Бухорий ҳазратлари зиёратгоҳи қайта тикланди. 1998 йили Имом Исмоил Бухорий шарафига ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Маъмура қoшида Имом Бухорий халқаро маркази иш бошлади.

ЮНЕСКО ташаббуси билан Мирзо Улуғбек бобомизнинг 600 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу тадбир арасида Самарқанддаги буюк алломалар мангу кўним топган Чокардиза қабристони обод этилди, Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари қайта қад ростлади. Шунингдек, Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида янги музей биноси, кенг майдон ва хиёбон барпо этилди.

Самарқанд шаҳрининг бундан ўн тўққиз йил муқаддам Амир Темур ордени билан мукофотлангани ва шу муносабат билан 18 октябрь — Самарқанд шаҳри кuni деб нишонланиши унинг солномасида янги саҳифа очди.

Қадим-қадимдан Буюк Ипак йўли марказида

жойлашган афсонавий шаҳар илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик марказига айланди.

Президентимиз ташаббуси билан муаззам Регистон майдонида ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" халқаро фестивали ўтказиб келинаётгани, 2014 йил май ойида "Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтгани ҳам бу қадим шаҳарнинг жаҳоншумул аҳамиятини янада юксакка кўтарди.

Самарқандга бир борган киши унга яна саёҳат қилишни истаб қолиши табиий. Айниқса, йилдан-йилга янгиланиб бораётган шаҳар қиёфаси ҳар қандай одамни ўзига жалб этмай қолмайди. Кейинги йилларда барпо этилган бир қатор замонавий ўқув даргоҳлари, улкан машинасозлик корхоналари, меҳмонхоналар, истироҳат боғлари унинг нуфузига нуфуз қўшаётир. Кенгайтирилган йўллар, ям-яшил гулзору боғларга бурканган хиёбонлар истиқлол йиллари бунёдкорлик тимсолларига айланган. Айниқса, ИБн Сино, Бўстонсарой, Бегруний, Мирзо Улуғбек, Спитамен, Тошкент, Даҳбед, Бедил, Рудакий, Панжакент кўчалари қиёфаси қисқа муддатда таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Самарқандда машҳур "ISUZU", "MAN" русумли автомобиллар, замонавий совутичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Кинап" ва лифт заводи каби ўнлаб корхоналарнинг ишга туширилиши шаҳар саноати тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиз Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарлари оралигида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" тез юрар поездлари қатнамоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.



18 октябрь — Самарқанд шаҳри кuni

Асрлар ҳайрати.

21 октябрь — Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кун

МИРТЕМИР


ОНА ТИЛИМ

Ёбонларнинг чексизлиги,
Ҳам самуми, ҳам ҳовури,
Онажонлар алласидан,
Кўз ёшидан, оқ сутидан;
Туқайларнинг тенгсизлиги,
Жилгаларнинг шўх говури,
Йигитларнинг ялласидан,
Сувуларнинг сукутидан —
Йўғрилган тил —
Она тилим.

Дарёларнинг тошқин пайти
Арслон янглиғ ариллаши,
Довонларнинг кўк қиёси,
Қорли тоғлар жилосидан;
Чўпонларнинг қамши байти,
Чилдирманинг дариллаши,
Гуруғларнинг али сиймоси,
Алломанинг даввосидан —
Туғилган тил —
Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош чақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи,
Бўёқчининг ўланидан;
Тўқувчининг алтовлиги,
Чилангарнинг далғовлиги,
Бу тупроқнинг ҳикматлари,
Кўшчиси ҳам ўланидан —
Яралган тил —
Она тилим.

Шу тупроқнинг жон аямас
Тарлолари, бургутлари,
Келинларнинг дилдошлиги,
Ёр-ёрларнинг жаранидан;
Боболарнинг ибратию,
Бувиларнинг ўғитлари,
Дўмбиранинг мундошлиги,
Дуторнинг ҳам таранидан —
Таралган тил —
Она тилим.



НАВОИЙ ҲАЗИНАСИДА

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сихатқа боис.

Тил илладидин бўлур гаромат ҳосил,
Юз навъ маломату надомат ҳосил.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз билла ҳайвондин анга имтиёз.

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлғай хўброқ бўлғай,
агар кўнгул билла бир бўлғай.

Тузлук эрмас шифосию воёси ҳам,
Ким эгри кишининг эгридур соёси ҳам.

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт
билла дегил.

→ 4

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ АДИБИ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар ва ёш талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тадбирини очиб, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган, халқимизнинг маънавиятини юксалтирган катта авлодга мансуб ёзувчилар ижодий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, уларнинг хотира кечаларини ўтказиш борасида уюшмада амалга ошири-

лаётган ишлар ҳақида гапирди. Ёзувчилар уюшмаси қoшида тузилган адабий мерос комиссиясининг фаолияти ана шундай эзгу мақсад-

Ёзувчилар уюшмасида

ларга йўналтирилган. Ҳаким Назир болаларга бағишланган қисса ва ҳикоялари билан адабиётимиз тарихида унутилмас из қолдирган адиблардан биридир. Адиблар Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Умарали Норматов, Анвар Обиджон, Аҳмаджон Мелибоев, Ашурали Жўраев, адабиётшунос олимлар Сафо Матжон, Муқаддас


Назирова Ҳаким Назирнинг ибратли ҳаёт йўли, асарларида тасвирланган табиат манзаралари, қишлоқ муҳити, болаларнинг беғубор олами, қаҳрамонларининг руҳий кечинмалари, адибнинг ёш ижодкорларга бўлган устозлик меҳри ҳақида сўзладилар. Сўзга чиққанлар Ҳаким Назир ҳаётидаги ибратли воқеаларни, ёрқин хотираларни эсладилар. Адибнинг шоғирдлари ўз даврида бошловчи ижодкорларга илҳом бағишлаган қисса ва ҳикояларининг жозибаси, болалар адабиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги фикрларини баён этдилар.

М. РАВШАН

Ҳаким НАЗИР

Мен қаҳрамонларим орқали болаларга эзгулик ҳисларини сингдиришга ҳаракат қиларканман, улардан турмушимизнинг олға босишига ҳалал берувчи иллатларни яширмадим... Биз қаҳрамонликни ибтидоий, ўта тор маънода тушунишдан қутулишимиз, даврнинг катта талабларидан, кишиларимиз олдида қўйилаётган улкан, жиддий ижтимоий-ахлоқий вазифалардан келиб чиқишимиз, асарга қаҳрамонни тор кўчалардан эмас, ҳаётнинг олдинги марраларидан қидиришимиз керак.

→ 3



Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Аликул ака мард, чапани одам. Яқиндами, узокдами кимни кўрса икки қўлининг қафларини бирлаштириб боши узра кўтараркан: "Юрак битта, қалб битта", деб қўяди. Унинг эрта тонгданоқ "Олмасор" маҳалла идорасида бўлишини ҳамма билади. Иши, юмуши, дарди бор одам оксоқол билан эрталабдан учрашади. У киши маҳалла оксоқоли бўлмасидан олдин журналист эди. Журналист бўлмасидан олдин деҳқон бўлган. Деҳқончилики деҳқон оиласида туғилиб, далада ўсиб,

ДЕҲҚОН МЕҲРИ — ҚУТ-БАРАКА

отаси қабатида юриб ўрганди. Журналистликка кейинчалик ўқиди. Аслида ижодкорлик табиатида бор. Болалигида тунарлар сўрида ётиб осмондаги бири ёниб, бири ўчган юлдузлар ҳақида ўй сурган, баҳор чоғи капалакларни кузатган, даштнинг юрагига қулоқ тутган, сукунатдан роҳатланган инсон кейинчалик ижодкор бўлади. Қажрамонимиз ҳам болалигидан китобни қўлидан қўймай мутлола қилгани учунми, сўзининг қадрига етади. Уни ҳилолантиради, бор гўзаллигини намойиш қилади, унга ранг, жаранг беради. "Сўзни ўйнатиб, қуйлатиб юбормасан одам ёсамасин. Ёзганининг ўқиб бирор кишининг эти жамилрамаса, бўғзига нимадир тикилмаса ёки тани яйрамаса ёзганин бекор". Бу қажрамонимизнинг сўзлари. Ўттиз йилдан ортиқ матбуотда ишлаган бўлса сўзни увол қилган эмас. "Ўзбекистонда хизмат қилган журналист" унвонига эга бўлгани ҳам бежиз эмас. Но-велла, эссе, очерклар "Сенга айтар сўзим бор, ҳаёт..." номи билан китоб бўлиб чиқди, қўлма-қўл ўқилди, ёстиқлар тағидан ҳол олди.

Қажрамонимизнинг ҳар куни маҳалла идорасидан сўнг ошиқиб борадиган манзили — даласи. Унинг ўйлаб-ўйлаб, яйраб-яйраб, ижод қиладиган, тер тўкадиган, кўнглига шодлик соладиган гўшаси шу. Қўкка бўй қўзиб турган ўн минг тупга яқин теракнинг ҳар

бири кўнглига яқин. Бир ёнда аскардай саф тортиб турганлари иморат-боп "Фаргона тезўсари", бир ёнда қорувли "Оқбадан" теракларини. Манзара учун, ҳаво мусаффолиги учун экилганлари ҳам бор. Эртага кимгадир бошпана, кимгадир тиргак бўладиган теракларига бир-бир қўл теккизиб қувват тилайди. Теракзорнинг ёнида беш гектарлик боғдаги дарахтлар эса тишлаганда лабнинг зийларидан шарбат сачратадиган мевалар солиб ётибди.

— Бизда мева-чеванинг ҳар туридан бор, — дейди Аликул ака. — Қатор

ораларига уруғлик беда эканмиз. Уватдагилари шу ерда ишлайдиганларнинг мол-ҳоли учун. Қурбоной Жабборов, Гулчехра Бегматова, Азиза Алимова, Раҳматилла Йўлдошевлар илк бор биологическая йўлга қўйилганида ишга келишганди. Ўша-ўша қадардонлашиб кетдик. Тўйимиз ҳам, ўйимиз ҳам бир. Эзгу ниятимиз — ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти, тўкин турмуши учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиш. Биз барча режаларимизни мана шу мўъжазгина шийпончада масалахатлашамиз.

Дарҳақиқат, теракзор биқинида шинамгина шийпонча бор. У қўп яхшиларнинг ширин сўхбатларига гувоҳ, Аликул ака бу ерда "ҳорманг"га келган дўстлари, шоирлар, ҳамқишлоқлари билан гурун қилади. Гоҳо ўзи бир зумга узала тушиб ётиб хаёлларга берилади, қишлоғи, даласи, одамлар ҳақида ўй сурди. Чор атрофдан таърифлаб бўлмас даражада жаннатий бўйлар таралади.

— Отам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. "Зах окопда ётиб олганми, акангми ўйлардим. Қўзим иллина, тушимга Чакрининг наштавлари кириб чиқарди. Даладаги пичанларнинг иси нукул мени безовта қиларди" дерди. Ўша пайтлари мен буларга кўпам эътибор қилмаган эканман, — дея икор бўлади ҳамсуҳбатимиз гурун орасида. — Қўпин-

ча турмуш ўртоғим Рўзихон ўзи пиширган патирими, гилминдисими ёки бир тоғорачада ошни ачиқ-чучуги биланми кўтариб келиб қоладди. Сабру қаноатли, оқила Рўзихоннинг далдалари билан хасталикни енгганим рост. Тангри берган бу саводат, нозу неъматлар, тўқислик, тўқинликда аёлимнинг ҳиссаси бор. Далада, шийпонда ўтиришининг, бу ерда таом тановул қилишининг гашти бошқача. Икковимиз ҳаётимизнинг мазмуни бўлган уч фарзанднинг тўқис бахту саодатини, ширин ва тоғув турмушини, невараларнинг шўхликларини гапириб адо қилолмаймиз. Бу ширин сўхбат асосида ёғининг остида ариқча чулдирайди, атрофингда боғлар шовуллаб ётибди. Бедазор томонда бедана сайрайди. Макпаоялар сўталарини кўтаролмай эгилиб қолганини қаранг. Буларнинг барчаси суюмли, ҳеч кимга бергусиз, ҳеч нарсасига алишгусиз. Бу тупроқ, бу замин шунчалар азиз экан. Отамнинг тушларини кейинроқ англадим. Заминга оёқларини маҳкам қўйиб яшаш керак, токи бу вужуд дарахт каби замин кўксига шовуллаб турсин! Унинг ям-яшил барглари вужудларга туганмас ором бағишласин. Унинг мевалари шарбатидан лаблар тарс-тарс ёрилиб кетсин. Бу дарахтнинг бўйи дунёнинг исталган нуктасидан кўзга ташлансин. Бу менинг юрак амрим, ҳаётдаги шийорим.

Шу боисдан қай ишнинг бошини тутмасин унга муҳаббат билан киришадди. Меҳр қўшилганда ҳеч бир иш хайрли эмас, деб билади...

Дарҳақиқат, биз тилакларимизни меҳримиз билан қилсак, албатта, эзгу ниятларимиз ижобат бўлади. Нияти эзгу одамларнинг ўз қуёши, ўз юлдузлари, ўз замани, бировларга бермайдиган буюк тақдир ва буюк бахти бўлади. Аликул ака билан сўхбатлашиб ортага қайтар эканмиз, кўнглимиздан шу ўйлар ўтди. Ҳаётимизнинг тобора гўзал, турмушимизнинг фаровон бўлишида ана шундай фойдали кишиларнинг ҳиссаси катта эканини яна бир бор чин дилдан ҳис қилдик.

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
Норинисо ҚОСИМОВА
Ёзувчилар уюшмаси аъзолари

ҲАР ЗАРРАСИ — УЛУҒ ҲИКМАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шаҳарнинг яшил камари бўлмиш Амир Темур боғлари қайта тикланди. "Боғи беҳишт", "Боғи Дилқушо", "Боғи жаҳонро", "Боғи Истиқлол" каби бири-биридан сўлим боғлар бугун шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турибди.

Кейинги йилларда бунёд этилган мафтункор фавворалар кўна шаҳарни яшатиб юборди. Бу иншоотлар эгаллаган майдони, меъморий шаклига кўра фарқ қилади. Айниқса, Ёшлар маркази биноси, Амир Темур мақбараси ва вокзал боғидаги фавворалар бир-бирини тақрорламайдиган даражада гўзал. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўтмишда ҳам шаҳарда фавворалар бўлган. "Подшоҳ саройида суви юқорига отилиб турадиган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди", деб ёзади испания элчиси Клавихо Амир Темур бобомизнинг Дилқушо боғларидаги фавворалардан ҳайратланиб. Эндиликда замонавий ландшафт дизайни

асосида бунёд этилган "Йўлбарслар майдони" ва вокзал боғидаги фавворалардан тунда камалак нурлари таралади, Регистон ва Кулолон кўчалари кесишган ҳудуддаги фавворадан эса мусиқа садо-лари янграб туради. Бундай уйғунлик шаҳарни янада тароватли ва фусункор қилиб кўрсатади.

Самарқанд деганда кўз ўнгимизда маҳобати юксак шаҳар намоён бўлади. Жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири бўлган Самарқанддаги ҳар бир обида, хиёбону сўлим боғлар нафақат олис ва буюк ўтмишимиз, балки бугунги ҳур ва озод давримиз ҳақида ҳам ҳикоялар сўзлайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуг ҳикмат бор. Ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонларида ўзгача салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навақирон шаҳарнинг ҳар бир гиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди, маҳорати ва боқий қадрияти мужассамдир.

Б. СУЛТОНОВА

Фармон ТОШЕВ

ТИЛ БАЙРАМИ — МИЛЛАТ ШОДИЁНАСИ

Тил — инсонга табиат ато этган энг бебаҳо тухфа, маънавият олами тили турувчи устун. Тил — миллатнинг ўзлиги. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилганига 26 йил тўлиши муносабати билан юртимизнинг барча гўшаларида бу сана миллий байрам, элимиз шодиёнаси сифатида нишонланаётди. Юртбошимиз раҳнамолигида тилимизга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тил ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ва ҳар йили шу сананинг нишонлаши халқимизнинг, аждодларимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, **«Жамийи эзгу фазилатлар инсон қалбига она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир»**. Дарҳақиқат, тилимизга бўлган юксак эътиборнинг эътирофи ўлароқ, таълим муассасаларида, жамоат ташкилотлари, корхоналарда тил байрамларини ўтказиш анъана тусини олди. Шундай тадбирлардан бири Шофиркон туманидаги 24-

умумий ўрта таълим мактабиди ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда тилимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ҳазрат Алишер Навоийнинг она тили ҳақидаги ҳикматлари янгради, ўқувчилар халқ оғзаси ижодида намуналар ўқиди. Айниқса,

Ғурур

қатнашчилар томонидан ўқилган шеър ва ижро этилган қўшиқлар тадбирга ўзгача фойза бағишлади. Машина Эргашева, Нилуфар Салимова, Моҳинур Ҳалимова, Нилуфар Саидова, Барно Садриева, Сардор Исмаилов, Бобур Исроилов сингари ўқувчи-ёшларнинг она тилимиз, сўз ва унинг қудрати эътирофи этилган афоризмларни таъсирчан оҳангда ўқишлари, мавзуга оид қизиқарли маълумотларни турли саҳна қўриқларида акс эттиришгани барчага манзур бўлди.

Мактабда она тили фани ойлиги доирасида ташкил қилинган бундай тадбирлар давом этмоқда.

Дилдора ҚҮЛДОШЕВА,
Шофиркон туманидаги 24-мактабнинг
1-тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Чексиз, бепоеъ саҳро уфқ билан туташиб кетган. Бир пайтлар Буюк Ипак йўлидан ўтадиган карвонлар Темир қозик юлдузига қараб борар манзилларини белгилаб олишган. Чунки Устюртнинг изғирин шамоллари нафақат карвон йўлидаги таниш сўқмоқларни, балки ҳар қандай изни ҳам супуриб кетарди.

Шундай пайтда олис-олислардан саҳрони чангитиб ўтадиган кўчмачи сайғоқ поддалари карвонларга яна бир мўлжал вазифасини ўтарди. Чунки сайғоқлар ўтган йўллардан юрган инсон саҳрода адашмасдан манзилини топиб боради.

Сайғоқлар кеч кузда Устюртга қишлагани келадди, баҳор охирида бориб эса қўпайишади. Ёзни нўғой далалари, ўрол тоғлари, Бетбоқдала адирларида ўтказишди. Бир пайтлар уларнинг сони жуда кўп бўлган дейишади. Маълумотларга кўра, XVII асрда Бухоро ва Хива савдогарлари Хитой бозорига йилга уч юз минг жуфт сайғоқ шохларини етказиб туришган экан...

Искандар Мақдунийнинг айғоқчилари қўмондонга "саҳро ортида одам яшамайди, у ерларни фақат сайғоқлар макон тутган", дея маълумот жўнатган экан. Яраланган Искандарга Хоразмшох Фарасмоннинг "Сен тегмасанг, мен тегмайман, тегсанг ўнгдирмайман", дея ёзган хатини эсласанг, юқоридagi маълумотлар қўшилиб, уни бутун жаҳонни забт этиш ниятидан қайтарган бўлса, ажаб эмас.

Тарих зарвараклари туркий қабилалар худди сайғоқлардек кўчмачи ҳаёт тарзини бошдан кечирганларидан дарак беради. Ораларида пайдо бўлган низо-лар туфайли тез-тез маконларини ўзгартиришга мажбур бўлишган. Лекин Қўнғирот атрофидаги эски аралларнинг қолдиқлари боболаримизнинг табиатга доноларча муносабатда бўлишганини исботлайди. Ўша аралларни тадқиқ этган марҳум археолог Вадим Ягодин сайғоқлар ҳақида қимматли маълумотларни келтирар экан, шундай деган эди:

— Устюрт қадимий тамадду-лар кесишган ажойиб макон. Бу ерда Буюк Ипак йўли сайғоқ излари билан туташиб, туянинг бир қулчи юрадиган масофа-сида карвонсаройлар бунёд

этилган. Карвонсаройлар атрофида қазилган қудуқлар қувур-лар билан ўзаро туташтирил-ган. Ёмғир, қордан одамлар ва туяларга инчимлик суви йиғиш-ган. Ўша пайтлари сайғоқ по-

далари ҳеч нарсадан ҳурқмас-дан аралларга ўзлари кириш-ган. Одамлар заруратига қараб сайғоқлардан фойдаланишган. Бу эса ўша даврларда овчилик санъати юксак даража-да бўлганидан дарак беради.

Устюрт сайғоқлари-нинг аянчли қисмати ҳақида ўтган асрнинг 60-йиллари саҳ-родан саксовул олиб келадиган ҳайдовчи Пардабой огадан жуда кўп воқеаларни эшитган-ман. Бир сафар у уйга сайғоқ-нинг улогини олиб келган ва "буни эчкиларингга қўшиб бо-қиб кўринглар, балки ўргани қолар", деганди. Орадан бир кун ўтган, қўрадан сакраб чиқиб, қочиб кетган ҳурқак жониворни ҳалиям тез-тез эслайман.

XXI асрнинг бошлари, баҳор яқунланаётган маҳалда бир гуруҳ ўрмончилар, сайғоқшунос олимлар ва табиат муҳофазаси ходимлари билан сайғоқлар-нинг яйловларга қўчилини ку-затгани бориб, дахшатли ман-зарага гувоҳ бўлганмиз: чанги-тиб чопайтган катта сайғоқ по-даларига бизнинг эски маши-намиз ета олмаса-да, уларнинг орқасидан эргашиб, йўл-йўла-кай фақат шохлари кесилган, жон аччигида типирчилаб ётган ўнлаб жониворларни кўрган-миз.

Браконерларнинг мотоцикл-ларда пода орасига кириб шох-ли сайғоқларни қириб кетаёт-ганини кўрсанг-да, уларни тўхта-тиб қўлининг иложини топол-

магандик. Чунки чопайтган сай-ғоқлар тезлиги соатига 80–90 километри ташкил этса, биз-нинг машинамиз тезлигини эса 50–60 дан ошириб бўлмасди. Сайғоқлар изида кечган уч кун-лик сафар давомида жонивор-ларга ҳеч қандай ёрдамимиз тегмаганидан жуда ғамгин холда уйга қайтганимиз.

Ўшанда Қўнисбой оға деган олимишимиз сайғоқларнинг туёқ изини санаб: "Ўрозбой, хафа бўла берманг, бу йил Устюртда сайғоқларнинг умумий бош сони 40 мингдан зиёд" деган

гаплари ҳам мени овута олма-ганди. Уйда турмуш ўртоғим-нинг: "Нима, сайғоқ сенинг икки туғиб, бир қолганингмиди, бун-ча қовоғингни осиб олмасанг, чехрангни очиб ўтир, қара, болаларинг ҳам хафа бўлапти", де-ганлари ҳам

кўнглимга сиғмаган. Кейинчалик "Кўчмачи сайғоқлар қисмати"ни ёзиб, уни матбуотда чоп эттирганимдан сўнг орам-дан икки йил ўтат-ўтмасдан Олий Мажлис қарори билан сайғоқнинг Ўзбеки-стон "Қизил китоб"ига ки-ритилгани юрагимга тас-кин бўлганди.

Мустақиллигимиз ара-фасида Устюртда сайғоқ-ларни асраш мақсадида "Сайғоқли" қўриқхонаси ва Оролнинг Сувчучук қўлтиги неғизида ўткинчи қушлар учун бекаб сифатида қўриқхоналар ташкил этиш тўғрисида Қора-қалпоғистон ҳукуматининг икки-та қарори чиқди. "Сайғоқли" қўриқхонаси учун бир миллион гектар ер ҳам ажратилди. Лекин бу қарорларнинг ижроси нима-гадир фақат қоғозларда қолиб кетди. Оқибатда Устюрт сайғоқ-ларининг бош сони кескин ка-майди.

Тарихий маълумот: ўтган аср бошларида Устюртда сай-ғоқлар бош сони бир миллион-дан ортиқ бўлган. Аср ўртала-рига қелиб улар шунчалик кўпайганки, баъзилари бемалол қишда Қўнғиротда одамларнинг

қўраларига қириб келган. Ке-йинчалик Масквонинг буйруғи билан "режали отиш", яъни сайғоқлар ови бошланиб, улар-нинг гўшларини дўконларда со-тила бошлади.

1980-йилларга келиб биз сайғоқларнинг яримдан ҳам кўпроғидан айрилиб қолдик. Ус-тюрт ҳам, сайғоқлар ҳам худди эгасиздек талон-тарож қилинди. Мўмай фойданнинг изидан қу-вган браконерлар сайғоқларни "Қизил китоб"га қувиб келди. Бечора жониворларнинг ушбу китобдан бошқа бошпанаси

қолмаган эди-да. Олимларнинг сўнги тадқиқотларига кўра, ҳозир Устюртда атиги икки минг бош сайғоқ қолибди.

Устюрт мустақиллигимизга қадар худди очилганмиз бир ки-тоб эди. Энди унинг саноати ҳам

қолмаган эди-да. Олимларнинг сўнги тадқиқотларига кўра, ҳозир Устюртда атиги икки минг бош сайғоқ қолибди.

Устюрт мустақиллигимизга қадар худди очилганмиз бир ки-тоб эди. Энди унинг саноати ҳам

юксала бошлади. Темир йўллар қаторида қўриқлаётган Буюк Ипак йўли автомагистрალი Урта Оси-ёга Европани энг қисқа ва яқин масофа билан боғлайди. Жадал сурьатларда олиб борилаётган геологик, газ ва нефть қидирув ишлари, донги жаҳонга кетган Қўнғирот сода заводи, келгуси йили ишга туширилиши мўлжал-ланаётган Устюрт газ-қимм маж-луаси каби иншоотлар саҳро та-биатига қандай таъсир кўрсата-ди? Биз табиат билан саноат ри-жавининг мувозанатини сақлай олишимиз? Бу борадаги сайё-ҳаракатлар кўнглига ёруғлик со-сида. Дунё тажрибаси, айниқса, саноати ривожланган Германия, Чехия, Польша сингари давлат-

лардаги қирғовул (тус товуқ)лар-ни асраш ва қўпайтириш иш-лари ибратли. Уларда катта зарар-ли чикиндилар чиқиши эҳтимо-нинг бўлган корхоналар ёнида қир-говул инкубаторлари барпо эти-либ, неча ўн минглаб полапонлар табиат қўйнига қай-тарилаяпти. Сано-атнинг ривожига фа-қат ундан қўрилади-ган соф фойда билан эмас, бал-ки ўша жойдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси аҳоли билан ҳам баҳоланмоқда.

Эндиликда бу масалага ҳуку-матимиз катта эътибор қарат-моқда. Яқинда "Сайғоқли" қўриқхонасини ташкил этиш ишлари мамлакат ҳукумати да-ражасида қўриқлаётгани ҳақида эшитдик.

Александр Григорьянц, Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, биологик ранг-барангликни назорат этиш ин-спекцияси раҳбари вази фасини бажарувчи:

— "Сайғоқли" қўриқхонасига киритиладиган ҳудудлар қайта қўриб чиқилди. Сайғоқлар қўпа-ядиган майдонлар қўриқхонага туташтирилиб, Дуана, Жийдали, Алламбет, Шурик, Белеули ва Жаринқудуқ ҳудудлари ҳам қаттиқ муҳофаза қилиниши ре-жалаштирилмоқда. Қўриқхона ҳудудларида янги иш ўринлари очилди, янги технологиялар асо-сида муқобил ва қайта тиклана-диган энергия иншоотларини ишга тушириш, уларни янги ас-

боб-усқуналар, техника билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Борий Алихоннов, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси вице-спикери, Ўзбекистон Эко-логик ҳаракати раҳбари:

— Ўзбекистонда умуртқали

Она сайёра — қўриқхона

ҳайвонларнинг 700 дан, қушлар-нинг 450 дан ортиқ турлари мав-жуд. 15 мингдан ортиқ ўсимлик-ларимизнинг қўллари эндемик ўсимликлар турига кириди. Био-логик ранг-ба-рангликни сақлаш — асосий вази-фамиз.

Сайғоқлар ҳай-вонот дунёсининг кўчмачи эндемик турига ман-сублиги туфайли уларни асраш учун махсус қўриқхоналар таш-кил этиб, яшаш ҳудудлари кен-гайтирилишини тақлиф этмоқ-дамиз.

Елена Быкова, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсим-ликлар ва ҳайвонот гено-фонди институти илмий ходими, Сайғоқларни сақ-лаш альянси вакили:

— Баъзан одамлардан шундай гапларни эшита-миз: "Нима бўпти, кичикки-на битта хашорат йўқолса, йўқолибди-да. Қанчадан-қанча ҳайвонлар, ўсимлик-лар ва қушлар йўқолиб кет-са-да, бизлар яшаёلمиз. Денгиз йўқолмоқда — биз-лар бормиз. Йўлбарслар, қоплонлар тур сифатида йўқ бўлди, биз эса ҳами-ша ҳаётимиз..." Мен эса уларга шундай дейман: "Минг-минглаб гишт қалаб тикланган катта бир иморатни кўз олдингизга кел-тириш. Гишлар ҳар хил: катта, ўртача, кичкина. Сиз улар ора-сидан кичкина битта гиштни су-ғуриб олдингиз, уй қўламади. Яна бир гишт олинганда, бир нарсани ҳис этгандай бўласиз — шамол қираётгандек туюла-ди. Лекин сиз эътибор бермас-дан яшайверасиз. Гишларни биттадан суғуриб олиш давом этди, дейлик. Шундай пайт кел-лади-ки, мувозанат йўқолиб, битта гишт сабабли иморатин-гиз бошингизга қулаб тушади..."

Устюрт сайғоқларининг йўқо-лиши ҳам у ёрнинг ўсимлик ва

ТАБАРРУҚ МҲПРОҚ

Ҳар кимга ўзининг Ватани азиз, Кўзига тўғиё юрти ҳар кимга. Лекин бир маскан бор гўзал ва лазиз, Асрлар тумордир она халқимга.

Орзулар ушалган афсона шахрим, Ҳусни жаннатмонанд, жонона шахрим. Самарқанд, Самарқанд, о, она шахрим, Мағрибу Мағриқда ягона шахрим.

Қўшни уйғотар ҳар тонг бегумон, Боқий обидалар қалбимда уйғон. Бунда қалр топар эътиқод, нймон, Ўтмиши — шарафли, эртаси — порлоқ.

Осмонда порлайди меҳр улашиб Улғубек кашф этган миллионлаб зиё. Етти иқлимин ҳам айлаб маҳлиё — Бунда ҳайратдадир Овро, Осиё.

Гўшаю кўчалар обод, чароғон, Орзудай файзиёб тунарлар, кечалар. Бунёдкор халқимга руҳ берар мудом, Шу боис ҳар эзгу ният ушалар.

О, она Самарқанд, табарруқ тупроқ, Шаънингни қўлабимиз — қалб тоғдай ҳузур. Шаҳар борми сендан яна шарифроқ, Сенда яралгандир мардик ва гурур.



КИТОБ

Сулув қизлар, эгингизда Майли, ипак, кимхоб бўлсин! Ҳаё бўлсин кўнглингизда, Кўнглингизда китоб бўлсин!

Борар манзилнинг Бахтидир, Гоҳи гирдоб, гоҳ ҳикматдир, Қурмоқ учун ёруғ тақдир — Кўнглингизда китоб бўлсин!

Сандигингиз тўлсин сепга, Тўнлар бўлсин Отабекка, Қумуш қизим, ишққа бека, Кўнглингизда китоб бўлсин!

Сизга доим ҳуту ҳамал, Имон бўлсин дустарамал, Навоидан ўқинг ғазал, Кўнглингизда китоб бўлсин!

Қуринг саодатли турмуш, Ўзлингиз бўлсин Алпомиш, Бўлмай десангиз фаромуш, Кўнглингизда китоб бўлсин!

Энахон СИДИҚОВА

КЎНГЛИ ЧИРОҒИ

Яратган хуш кўрсин сизни,
Фаришта туш кўрсин сизни,
Уйғотганда ўзлингизни,
Кўнглингизда китоб бўлсин!

Сиздан қолсин чаман, гулбоғ,
Кўнглиларга ёқиб чироқ,
Дунёларга бериб сабоқ,
Кўнглингизда китоб бўлсин!

ЭШИК ЧЕРТИЛАДИ...

Эшик чертилади...
Ҳаққирар юрак,
Ҳаяллаб бўлса ҳам келдимикан
Бахт?!
Балки олиб тушган кўкдан фаришта
Кўнглимга бир ёрлик, ҳақдан иноят.

Эшик чертилади...
Вақтдир бу, балки
Бевақт юрагимни тақиллатётган.
Бесамар йилларнинг армони каби
Кўнглини занглатиб, зил босиб ётган.

Эшик чертилади...
Тураман беҳол.
Балки олма отаётир дов-даракт.
Балки удир... ишқини қилган увол,
Айро йўлда ташлаб кетган
Муҳаббат!

Эшик чертилади...
Узоқ куттирмай,
Балки дўст келгандир ўзи чопарга.

Кўнгли билан, ҳеч кимга айтмай,
Отлаямиз ёруғ сафарга.

Эшик чертилади...
Англапти, ё раб,
Мени уйғотгуни сирли лаҳзадир.
Кимин рози қилдим дунёда яшаб,
Шу савол олдида юрак лағчадир.

Балки эшик қоқар, қилади исён,
Бўғзимга қадашиб йиғлаётган сўз.
Бесамар кетдимни умр сафарим,
Ахир, манглайимнинг ёзигида куз.

Эшик чертилади...
Очаман аста.
Қароғимда сизиб, қотиб қолар ёш.
Остонамда турар ҳорғин, хижолат —
Мен кутмаган дўстдай қулиб
Олтиш ёш.

Эшик чертилади...

ЁҒОЧ ОЁҚ

Отам кўнглидаги дард билан ўсдим,
Эргашиб гоҳ қўлтиқтаёқларига.
Қулудай чополмай дилим ўқиди,
Суянганча ёғоч оёқларига.

Қадамида пошня изимас, ҳайҳот,
Ортидан тупроқлар тўзимас, ҳайҳот.
Борар юрагимда жанглар қуюни,
Тизиммас, отажон, бўғзимгача до!

Отам кетди кўзларидан қон сирқиб,
Хотиралар ўтмас пичоқда қирқиб.
Кетди ярим жону бутун дард билан,
Тобутда жисминмас, ғам борди қалқиб.

Дардлар улғайтирди, дардлар суяди,
Одам ўлмас экан ғаму фироқдан.
Кўзларимни юсам қақшаб кетади,
Болалигим чопар ёғоч оёқда...

ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳаёт —
Ўқилмаган бир китоб.
Тангдирдан илоҳий хат,
Манглайингиздаги дастхат,
Сен уни ўқи, болам.

Ҳаёт —
Ўқилмаган бир китоб,
Мағзини чак бобма-боб,
Умринг ғамни ҳижжалаб
Ўтмасин сўқир, болам.

Ҳар вароғи — қисматинг,
Келди ўқиб фурсати,
Туғаб қолса ҳикмати,
Сен ўзинг тўқи, болам.

Ҳаёт — буюк муаллим,
Ҳар гиёҳи берав таълим,
Ўзни танимоқ илмин
Яхшилаб ўқи, болам.

Онанг — бошда офтобинг,
Отанг толе китобинг,
Тут юракда гулобинг,
Меҳринингиз қўғин, болам.

Бўйинг бўйимдан баланд,
Яратган қўллаб шояд,

Бўлсанг элга сарбаланд,
Яхшилик туғи, болам.

ТЎКИНЧИЛИК

Болажон кўчалар бағри тўлиб, бой,
Қантак шимган чолдай қилади ҳузур.
Даракдан олмалар қоқали болдай,
Олтин асо билан ҳазрати Хиёр.

Кўчалар қувончдан кетар жаранглаб,
Тўлиб кетар шодон қийқириқларга.
Меҳрдан майишган боғлар туркираб,
Беҳилар отади гул ариқларга.

Тўкинликдан сармаст,
Ширакайф тоқлар,
Гулоб узатади ёқут ишқомлар.
Паҳса деворлардан энгашар қантак,
Ризку насибага тўлади жомлар.

Бегим онажонлар борарлар хурдай,
Бахт, толе кўтариб бўҳчаларида.
Жаннат дарвозаси очилар шундай
Серфайз Олтиариқ кўчаларида.

З.СИДИҚОВА 1954 йили туғилган.
1976 йилда Фарғона давлат
университетининг филология факультети-
ни тамомлаган. “Эъзозли аёллар”,
“Тиббиёт фидойилари” каби публицистик,
“Кўнглим уфқлари”, “Ишқ ифори”, “Сўз
устидаги дунё” номли шеърӣ китоблари
чоп этилган.

ЭЗГУЛИККА ЭМАҚДОШ АДИБ

Ижодкорнинг адабий мероси ҳақида сўз юритганда у яшаган давр ва ижтимоий шароит билан боғлиқ жиҳатлар ҳам инобатга олиниши табиий ҳол. Ва, албатта, қалам соҳибининг адабиётда тутган ўрни, ижодининг ўзига хос хусусиятлари диққат марказида тўтилади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳақим Назир ижодида шу нуқтан назардан ёндашилса, уларда инсоннинг қадри, унинг жамиятда ўз ўрнини топишига дахлдор тарбия мавзулари реал воқеаларга, давр шарт-шароитига уйғун тарзда тасвирлангани яққол кўзга ташланади.

Буни адибнинг куйидаги этирофи ҳам тасдиқлайди: “Кончи тонналар руда ичидан мисқоллаб бўлтин заррасини ажратганидай, — деб ёзган эди адиб, — ҳар бир фактни эринмасдан, синчковлик билан ўрганиш ва саралаш, фактнинг ички маъносини, “психология”сини очиб, факт ва ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, мағзини қақиш лозим. Бунга эса, доим ҳаётнинг олдинги марраларида бўлиб қаҳрамонлар фаолиятида иштирок этиш, ҳаётда ва кишилар онги-психологиясида юз бераётган ўзгариш, силжиларни тинимсиз кузатиб, таҳлил этиб, ўзлаштириб бориш орқасидангина эришиш мумкин”. Дарвоқе, ёзувчининг “Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим” хотира-қиссаси айнан ҳаёт фактларини синчковлик билан саралаб ўрганиш ва мағзини қақишнинг ибратли далилидир.

Қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий оламга чуқур кириб бориш бадий маҳорат белгилари билан бири эканини теран англаган адиб кичиктойларга бағишланган асарларида нима яхшию нима ёмонлиги тўғрисидаги азалий муаммони болаларнинг руҳиятига мос тарзда хатти-ҳаракатлар, феъл-атвордаги зиддиятчи ҳолатларни қиёслаш орқали ёритган. Бу принцип “Али билан Шер”, “Икки ўртоқ”, “Қодир билан Собир”, “Қайсаргина ўкам”, “Бақалоқ билан чақалоқ”, “Фотима билан Зухра”, “Тўнка” ҳикоялари сарлавҳаларидан ҳам сезилиб туради. Адиб бу асарларида қаҳрамонларнинг турли ҳаётӣ вазиятларда ўзларини тутиши, ўзро муносабатлари тасвири орқали кўрқоқлик билан ростиўйлик, қизғанчилик билан софдиллик, мактанчоқлик билан самимиёт каби болалар кундалик ҳаётда дуч келадиган, лекин эътибор беравермайдиган зиддиятларга ўқувчи диққатини тартади. Бу ҳикоялар билан танишган кичик китобхон ўзига таниш манзара-ҳолатлардан тегишли ҳулоса чиқариб олиши тайин.

Болалар насрининг шаклланиши ва ривожига улкан ҳисса қўшган Ҳ.Назирнинг вақтли мат-

миз, даврнинг катта талабларидан, кишиларимиз олдида қўйилётган улкан, жиҳдий ижтимоӣ-ахлоқий вазифалардан келиб чиқишимиз, асарга қаҳрамонни тор кўчалардан эмас, ҳаётнинг олдинги марраларидан қидиришимиз керак”.

Дарҳақиқат, ҳаётнинг олдинги марраларида бўлишга интилиш ёзувчини халқ орасига чуқурроқ кириб боришга ундайди. Уруш йиллари редакциянинг топшириғи билан қишлоқда асосий куч бўлиб қолган қариялар тўғрисида репортаж ёзишга қўлланган адиб ҳалоллиги, донолиги ва чўртқесарлиги билан катта қаҳрамон руҳиятига сазовор бўлган Салим ота исмли чолнинг таърифини эшитиб, қизиқиб қолади.

“Чоллар ҳақида ҳикоя ёзишни кўпдан ўйлаган бўлсам ҳам, унинг “калит” — прототипи учрамагани учун ёзолмай юрган эдим. “Салим ота” бир ўтиришдаёқ ёзилди”, деб эслаганди у кейинчалик.

Маълумки, инсоннинг феъл-атвори, дунёқарashi, тушунчаси, руҳияти мудом бир хилда сақланиб турмайди. Турмуш ташвишлари, ҳаёт оқими йўлидаги зиддиятлар киши дунёқарашини тоблаб, шакллантира боради. Ёзувчининг кўпгина асарларида қаҳрамон руҳияти тасвирига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Жумладан, айрим асарларининг бошланишидаёқ қаҳрамонга хос етакчи хислатларга ишора қилиниб, унинг хатти-ҳаракатлари, ички кечинмалари ёхуд бошқалар билан муомала-муносабатлари орқали феъл-атворини, китобхоннинг ҳаётӣ тоғига туртки берадиган инсоний қиёфасини ишонарли эпизодларда гавдалантириш йўлидан бориш адибнинг ижодӣ тажрибалирида синалган усулларидандир.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор уюшмадаги бир гурунгда ҳамназб ахли билан танишди, юртимиз кенгликлари хусусида муайян тасаввур ҳосил қилади. Ҳақим Назирнинг болалар ёзувчиси сифатидаги қарашлари куйидаги фикрида теран ифодасини топан: “Мен қаҳрамонларим орқали болаларга эзгулик хисларини сингдиришга ҳаракат қиларканман, улардан турмушимизнинг олға босишига ҳалал берувчи иллатларни яширмадим: катталар ва болалар орасида учраб турадиган худбинлик, беғам-бепарволик, дангасалик, қуруқ мактанчоқлик, меҳнатни қадрламаслик, дўстликни нотўғри тушуниш каби ярамас одатларнинг зарарли оқибатларини кўрсатиб беришга интилдим... Биз қаҳрамонликни ибтидий, ўта тор маънода тушунишдан қутулиши-

Сафо МАТЧОНОВ,

профессор

Азиза хола айвон тўридаги ўринда чўзилиб ётганди. Тепасида қўшниси Лазокатхон пайдо бўлди. Ўзига оро бериб, ясаиб юрадиган бу лобар, қувноқ аёлнинг йўсини бўлақчароқ, феъли айниганроқ эди. Аммо қўшнисининг лоҳас тортиб ётганини кўраркан, бирдан юзида ачиниш пайдо бўлди.

— Ия, ия, эгачи! Мен сизни қақиртирдим. Меҳмонларимни ширин суҳбат билан хурсанд қилиб ўтирасиз, деб. Чикмадингиз. Нима бўлди сизга?
Азиза хола ориқ гавдасини аранг кўтарди. Лазокатхон билан кўришгач, боди кўзгаланидан қимирлаётган қолганини айтиб, ўз сўради. Лазокатхон эгачисининг билганини ушлаб кўрди. Томир уриши бежоллигини сезди. Дарров ўз уйдан қон босимини ўлчаيدиган асбобини олиб чиқди. Ўлчаб кўргач, қон босими кўтарилганини билдирди. Азиза холанинг нозиклигини, соғлигидан бот-бот шикоят қилиб туришини билгани учун ачиниш кетди:

— Ўзингизни ортиқча уринтиргандирсиз-да. Энди эҳтиёт бўлинг. Худо шифо берсин. Сизга ким қараётибди ўзи? — деб у ёқ-бу ёққа аланглаб олди. Уй ичида ҳеч ким кўринмагач, сўради.

— Қани болалар?
Азиза хола бироз ўйланиб тургандан сўнг:

— Кетишганди... — деб қўйди.
— Қаёққа? — деди Лазокатхон сергак тортиб.
— Ҳалиги... Янги жойга...
— Тушунтириброқ гапирингчи. Қанақа янги жой?

Азиза хола қўшнисининг синчковлигини, қизикқан нарсасини аниқламагунча қўймаслигини биларди. Шунинг учун борини айтишга мажбур бўлди. Гап ўғли билан келини устида кетаётганди. Келининг отаси тузуккина тadbиркорлардан экан. Ишлари юришиб кетгандан кейин саҳийлиги тутибди. Қизига яқиндаги «дом»дан бир квартира олиб берибди. Азиза холанинг кўҳна, тор, пасткам ҳовлисида сиқилиброқ яшашаркан. Ўғли билан келини турадиган битта хонани икки хонага айлантириб бериш ҳаракатида бўлишган экан-у, бу иш ҳадеганда битмаётган экан. Шу сабаб янги квартирага кўчишга чоғланган келининг раъйини қайтариб бўлмаган. Ўз-ўзидан ўғли ўктам ҳам рафикаси кетидан эргашган.

Бу янгиликни эшитаркан, Лазокатхоннинг шаҳло кўзлари қинидан чиқаёзиб, жигибйрони қайнаб кетди.

— Ана, ҳоло! Наҳотки, шуни кўра била туриб йўл қўйсанглар-а! Ҳўжайинингиз ҳам индамай қўйиб бердиларми?

— Ҳўжайин буларнинг қўганини билмай қолди. Командировкага кетганди.

— Командировкадан қачон қайтади?

— Узоқроқ муддатга кетганла...

— Шундоқ экан, ахир болаларингизга: «Даданг келсин бир гап бўлар. Мени ёлғиз ташлаб кетманглар», — деб айтмасиз-да?

— Айтудим. Тез-тез келиб турамиз, деб ваъда беришди. «Ҳозирча богчасига бормасдан, ёнингизда турсин», — деб боласини қолдиришди.

Шу чоғ ошхонадан ушқоқина бир қизча чойнак кўтариб чиқиб, олдиларига келтириб қўйди. «Ҳой, Жажжи, дастёрлик сенга қолдим, айноний!», — деб Лазокатхон қизчани бағрига босиб, пешонасидан ўпиб қўйди.

— Бу Жажжининг ёнингизда ҳамроҳ бўлиб тургани яхши. Лекин қозон-то-

воққа, уй-жойга қараш, касалингизга малҳам қўйиш бунинг қўлидан келмайди-ку! Фарзандлар шуни ўйлашмагани қизик. Ўзингиз ҳам айтишга андиша қилгансиз-да, албатта. Феълингиз маълум. Ортиқча тортинчоқ, хокисорсиз! Улар сизнинг бўшанглигингиздан фойдаланишган. Ҳа, эгачи, ўз оналик қадрингизни билмасангиз шунақа бўлади. Келинингиз юзсизлик қилган бўлса ўғлингиз ўйлаши, онаизорига раҳм қилиши керак эди!

Лазокатхон эгачисининг томирлари тортишиб қолган оёғини силаб-сийлаб қўйди. Албатта, доктор қақириб қаратиш зарурлигини айтди. Ўктамни қандай топишни сўради. Азиза хола унга дераза тоқасида турган дафтarchани кўрсатди. Лазокатхон дафтarchани арақлаб, Ўктамнинг ишхонасига тегишли бир-иккита телефон рақамларини топиб-да, қоғозга ёзиб олгач, чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай қўшни қизи кириб келди. Қош-кўзлари онасиникига ўхшаш попуқдақкина, қаққон ҳаракатли бу тийрак қиз айвонга кўтарилиб қараганда, холасининг кўзи илинган экан. Овоз чиқармасдан ёнига борди. Пашша қўнмасин деб юзига доқа ёлди-да, секин пастга тушди. Бурчақда турган супургини кўлига олиб, ҳазон,

Ҳақим НАЗИР

ОҚИҒАТ

чўп-хаслар ивирситган ҳовлини супуришга тушди. Шундан сўнг ҳовлига аста-аста шакароб қилиб сув сепи бошлаганди, айвондан Азиза холанинг овози чиқди.

— Вой, Доно қизим, нима қилиб уриняпсан?

Доно югура бориб, кўришди:
— Тузукмисиз, холажон? — деди. — Сизга ёрдам бергани қиқувдим. Айтинг, нима овқат пишириб берай?

Азиза хола овқатга иштаҳаси йўқлигини айтди. Донони овози қилгиси келмади. Доно бўлса қаттиқ туриб олди:

— Аажоним тайинлади: «Холаңгга хўрда мастава қилиб бергин, қатиклаб ичин», — деб.

Шуни айтиб ошхонага кириб ишга унай кетди. Жажжи қиз унинг ёнида пилдираб юраркан, Доно: «Бизникидан қатик опчиқасан», деб унинг қўлига шиша идиш тутказди.

Бир пайт Лазокатхоннинг ўзи чиқди. Қизининг қилаётган ишини кузатиб, маъқуллади. Эгачисидан эса кўнгли безовталигини яширмади:

— Ўғлингизни ишхонасига икки-уч марга кўнғироқ қилдим. Тополмадим. Қаёққаям кетган, дейишди. Уларга: «Ўктамнинг ойиси касал, тезда етиб келсин», деб тайинладим. Дарағи бўлмадим?

Лазокатхон тик этса эшикка қараб, эгачиси ёнида ўтирди. Қизи пишириб келган маставадан киста-киста ичирди. Қош қорайганда ўрнидан кўзгалди-да:

— Ўғлингиз қай вақтда келсанам Жажжидан менга хабар бering. Албатта, уни кўришим керак, — деб тайинлади. Донони эса касалнинг ёнида тунаш учун қолдирди.

Эртаси у поликлиникага кўнғироқ қилиб, доктор қақирди. Пешинга яқин доктор келганини билиб, эгачисиникига чиқди. Доктор касални кўриб, даволар бел-

гилаб, дорилар ёзиб, энди жўнаётганида, ҳеч нарса билмагандай силлиққина бўлиб, Ўктам кириб келди. Эшикда «Тез ёрдам», уйда доктор билан Лазокатхонни учратиб, нақ капалаги учган йигит, изза бўлганидан ўзини аранг босган ҳолда:

— Ия, ойижон, сизга нима бўлди? — деб онаси қошига қучоқ очиб келди. Онаси эса одатдагича вазминлик билан «сал тоби қонгани»ни билдирди. Эгачисининг беғам, бепарво ўғилга қилган бундай беозор муомаласини ҳазм қилолмаган Лазокатхон:

— Касалини яширсанг иситмаси ошқор қилади. Тўғрисиини айтивермайсизми, эгачи! — деб зарда қилди. Кейин Ўктамга юзланди: — Салгина тоби қонганмас. Олдиндан силқовланиб юрарди онанг. Энди росмана касал бўпти. Бод. Хафакон. Ҳа, бу касаллари олдиндан безовта қилиб юрганини билмасмидинг? Шу ярим жон онани ёлғиз ташлаб кетишга қандай виждонларинг қабул қилди-а?!

Бориб турган оқибатсизлик эмасми бу? Ўктам қутилмаган оғир дашномларни нақ ўтакаси ёрилгудай бўлиб эшитди. Бу тўғрисида, шартки қўнига хиёл бўлсин терс жавоб бериши мумкинмаслигини биларди. Шу билан баробар ўз айбига рўйи-рост иқдор бўлишга ҳам тили бормасди. Ўзини аранг босди. Икки қўлини кўксига қўйган ҳолда зўрақи табассум билан:

— Шунақа бўп қолди, опоқижон. Айбга қўшмайсиз. Яқин жойга кўчганимиз, тез-тез хабар олиб турадиган бўлиб. Аксига шу кўнларда у ёқда иш қўлайиб кетиб, ушланиб қолдим...

— Ҳа, демакки, ўзингиздан ортмай қолибсиз-да. Биламан, турмушда ҳар хил фарзандлар учрайди. Бир хиллари ўз шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйишди, ўз ҳузур-ҳаловатларига берилиб кетишадю ота-она олдидаги фарзандлик бурчларига раҳна солиб қўйишди. Наҳотки, сен мўмин-мусулмон фарзанди бўлатуриб, ўшанақа бетайин, бетавфиқлар қаторига кирсанг?!

— Мендан халотик ўтган бўлса кечиринг, опоқижон! — деб яна эгилиб-букилди Ўктам.

— Менга қара, отанг қуриб берган бу уй торлик қилиб қолдими? Сизларнинг бу ердан қўчиб кетишларингга ота-онанг рози бўлишганимиди?

Ўктам мушкул саволга рўпара келиб, довдиради.

— Энди, опоқижон... Унча қаршилиқ қилишмовди... — деб чайналди.

— Шунақа дегин? — деди Лазокатхон гумонсиратган ҳолда. Кейин сиз нима дейсиз дегандай Азиза холага тикилди.

— Ҳа, энди... Шунақа... Бўлар иш бўлди... Қаерда бўлишсанг омон бўлишин, — деганча Азиза хола дудмал жавоб қилди.

Эгачисининг жавоби Лазокатхонни қониқтиргани йўқ, албатта. Қониқтирмадигана эмас, болаларини бунчалик ўз ихтиёрларига қўйиб бериши, болажонлик қиламан деб оғирликни ўз зиммасига олаверини, серандишалиғи ўтиришмади Лазокатхонга. Уйдан хабар олиш учун чиқиб кетаётиб, Ўктамни бир чеккага имлади-да, деди:

— Саволимга тўғри жавоб бермадинг, бола. Даданг командировкадан қайтсин, гаплашайлик-чи, нима деркинлар?..

Ўктам буни жиҳдий оғохлантиришдай қабул қилди-ю, юрагини гулгула босди...

Тилга эътибор — элга эътибор

Бугунги адабиётшунослик адабий матнга жуда яқин келди. Бу мавзудаги муҳокамалар тиниклик ва аниқлик томон ўзгарди: энди товуш ва ранглар, структура ва семантика белгилар, матн ва интермант устида фикрлашнинг даври-мавриди бошланди. Аслида, филолог мутахассис учун баяот йўғташман объект саналган адабий матн майда унсурлар йиғиндисидан бино бўлади.

“Алиф”ми ёки “аён”?

Аввал шеър матнига эътибор бермаган эканман. Яқинда бир жуфт хонанда ижросида Махтумқули билан Дурди шoir ўртасидаги “Хабар бер — Шундайди” айтишувини эшитдим. Овоз яхши, мусиқа ёқимли, саволларга жавоблар ҳам маънили.

Аммо хонандалардан бирининг: “У нимадир бир-бирдан аълодир?” саволига иккинчиси: “У ой-кундир бир-бирдан аълодир”, деган жавоби мени ўйлантирди. Махтумқули ҳазратларининг ўзбек тилида босилган туртта таржима китобини қўлга олиб қиёсладим. Ўтган асрнинг 60-йилларида Жуманиёз Шарипов таржимасидаги бир товуш сакталиги кейинги барча таржималарга айнан кўчиб ўтибди. Холбуки...

Бейхитёр туркман тилидаги нашрларига қизиқиб, эсимни танигандан бери отамдан эшитиб юрган шеърнинг аслини изладим. Топдим: Махтумқулининг 1957 йили Ашхобода босилган китоби 398-бетда, 1992 йилда чиққан уч жилдли шеърлар китобининг 1-жилди 214-бетда, мустақиллик даврида — 2013 йили чоп этилган икки жилдли асарлари тўпламининг 1-жилди 121-122-бетларида. Ўқидим:

— О нэмелди, дервезесиз галадыр?
О нэмелди, пенжиресиз бинадыр?
О нэмелди, бир-бирден аладыр?
Шахыр болса, шондан бизе хабар бер!

— Ол қўнғилдир, дервезесиз галадыр,
Ол габырдыр, пенжиресиз бинадыр,
Ол Ай-Гулдур, бир-бирден аладыр,
Бизден салам болсуи, жован шейледир.
Мавзу муҳокамаси учун ушбу бандларнинг учинчи, яъни таржима матнидаги “У нимадир бир-бирдан аълодир?” — “У ой-кундир бир-бирдан

аълодир” мисралар муҳим. Ой-кундан нечук аъло бўлсин? Бу “аъло”лик қандай маънога эга? Зўрма-зўраки шарҳланса, дейлик, “ой-кун бир-бирдан яхши бўлади”, деган маъно чиқади ва бу маъно бир мунча мужмал. Махтумқули ўқувчи англаши қийин бўлган бундай мажхул, пала-партиш мисралар

эзган эмас. Гап ой(месяц) ва кун(день)-нинг “аъло” деган сифати устидаими ёки осмондаги Ой билан Кун-Куёшнинг бир-бирдан нимадир “олиши”га доир ҳаракат хусусидаими?

Бизингча, шоир шеърда вақт маъносидидаги ой-кун ёки осмондаги Ой билан Куёшнинг бир-биридан аълолигини назарда тутатгани йўқ. Туркманлар “маъзур”ни “магзур”, “маълумот”ни “маглумат” дейишади. “Аълодир” туркманчада “агладыр” тарзида ёзилади. Юқоридаги матнда эса сўз қурилиши бундқ эмас.

Ушбу қиёс ва асос-далил билан ҳам кўнгил тўлмайди. 1983 йилда босилган Махтумқули шеърларининг арабий имлодаги танқидий матнига қарашнинг имкони топилди. Араб тилига асосланган имлода “аълодир” ва “аладир” сўзлари таркиби “айн” ҳарфи эвазига фарқланади. Ҳўш, “аъло” бўлса, бу сўз “айн” иштирокида ёзилиши керак эди. Китобни varaқладим. 470-бет: эски арабий ёзувадаги “аладир” ён-вериди “айн” топилмади. Иккиланишлар тарқаи, ишонч қатъийлашди. Махтумқули ҳазратлари ой-куннинг бир-бирдан аъло ёки яхши-ёмонлигидан бахс юритмаётгани ойдинлашди.

Мулоҳаза шуки, ушбу мисранинг

тўғри таржимаси “У Ой-Кундир бир-бирдан оладир” тарзида бўлиб, бундаги тушунча вақтга эмас, осмондаги Ой ва Куёш жисмларига оид. Фикр оқими Ойнинг Куёшдан нур олиши томон йўналтирилса, шеърдаги маъно “аъло”лик қатнашган мавхумликдан кўра мантиқан чуқурлашади ва мисра асл матнга мослашади.

Хуллас, янги нашрларда шоирнинг “Хабар бер — Шундайди” шеъри таржимасидаги “аълодир” сўзи бир товуш эвазига ўнглиниши лозим. Шунда хатога йўл қўйилмайди.

“Сод”ми ёки “се”?

Маълумки, араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибидаги айрим товушлар бугунги имлода битта ҳарф шакли билан ифода этилади. Дейлик, “зе”, “зот”, “зо” учун биргина “з” ҳарфи, “то”, “те”

учун битта “т”, шунингдек, “син”, “сод”, “се” товушлари учун ёлғиз “с” ҳарфи қабул қилинган.

Арабчадан ўзлашган бундай товушлар қатнашган сўзлар изоҳида баъзан чалқашликлар келиб чиққани кузатилади. “Проза” маъносини англатувчи “наср” сўзи билан боғлиқ шундай муаммо учради. “Наср”(проза)ни изоҳлашда у “арабча сўздан олинган бўлиб, “қўмак”, “зафар”, “ёрдам” маъноларини билдириши” таъкидланибди. Атаманинг истилоҳий изоҳига эътироз йўқ, бироқ сўз луғавий тарафдан бир товуш эвазига изоҳга муҳтож. Чунки араб тилида уч турли “с” (“сод”, “се”, “син”) билан ёзиладиган учта “наср” сўзи уч хил маънони англатади. Агар “насрун” “сод” билан ёзилса “ёрдам, қўмак”, “соқос се” билан ёзилса “сочиш, сочиб ташлаш”, агар “син” билан ёзилса “бургу” деган маъноларини билдиради. Шу сабаб “проза”га муқобил “наср”ни луғавий жиҳатдан “қўмак, ёрдам” тарзида эмас, балки “сочиш, сочилган” деб тушунтириш тўғри бўлади.

Шунингдек, изоҳли ёки энциклопедик луғатларда ўзбек тилига араб ва форс тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг арабий имлодаги ориги-

нал шаклини қўшиб ёзиш маъно чалқашликларини бартараф қилишга ёрдам беради.

“Ы”ми ёки “И”?

Бир магистрант яхши диссертация ёзди: ҳаммаси жойида, маъқул, бинойидек, саводли, хатосиз, талаб даражасида. Бироқ рус ва ўзбек олимларининг номлари қайд этилган саҳифадаги бир фамилия эътиборимни тортди: “Рыков”. Ўзбек алифбосида “ы” — “олтмиш бир” борми? Йўқ! Алифбода акс этмаган товуш белгиси ўзбек тилидаги матн ичида нега адашиб юрибди?..

Бизнинг “ў”, “к”, “ғ”, “х” товушлари қатнашган исм-фамилияларимизни хорижликлар ҳам айнан шундай ёзишармикан?

Радиодаги бир бошловчи қиз ҳар куни эрталаб ўз исмини ажнabийча талаффуз қилади.

Шундай гўзал гуллола исмидан уяладими, кўполдан-кўпол тарзда исмини бузиб айтади. Аслида оддийгина ўзбекча талаффуз қилса, ҳаммаси гулолагул. Берлинга борганимда, бир муаллима қизнинг исмини “Айфер, Айфер” дейишди. Чин олмонча исм бўлса керак, деб ўйлаб юрдим. Кейин билсам, асли ўзимизнинг қавмдан ва исми ҳам — “Ойпар” экан.

Хорижлик бир тадқиқотчининг исм-фамилияси матбуот ва адабий нашрларимизда бир неча марта “Ынг Ёнг” тарзида ёзилди. Бу бошқа миллат вакилига ҳурмати ёки ўз тилимизга эътиборсизлик оқибатими? Оғриниб бўлса ҳам, кейингисини тасдиқлашга тўғри келади. Минглаб ўқувчилар ўша “ы”ни индамай табиий қабул қилди, шекилли. Биров лом-мим демади...

Бир товуш устида талашиб, товушларга эътиборли бўлиш кераклигидан бахс юритишимиз бежиз эмас. Чунки биргина семантик белги — товуш ё нуктанинг ўзгариши “нодир”ни “нор”, “кўз”ни “кўр”, “бозор”ни “мозор”, “бўладиган”ни “ўладиган” қилади. Оқибатда адабий матн маъносини мутлақо тескари ёки бошқа томонга кетиб қолиши мумкин.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори

Алишер НАВОЙЙ

“ТАРОНА СЕН-СЕН”

Эй сўз, не бало ажаб гўҳарсен,
Гавҳар неки, бахру мавжварсен.

Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб курумас хизона сен-сен.

(“Лайли ва Мажнун”дан)

“ТИП БУ ЧАМАН ПОЛАСИ...”

Сўз гўҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар салаф.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфти доғи инжулари сўзини бил.

Тил бу чаманнинг varaқи лоласи,
Сўз дурадин будубон жоласи.

Сўздин ўлуқнинг таянда руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

(“Сабаи сайёр”дан)

“СЎЗ ГАВҲАРЕДУРКИ...”

Тилга ихтирсиз — элга эътиборсиз... Сўзладур ҳар яхшиликни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масиҳоким, нафас бида ўлуқка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди.

Тилга иқтидорлик — ҳақими хиралмал; сўзига ихтирсиз — лаими нажанд. Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлғай — ҳуброқ бўлғай, агар кўнгул бида бир бўлғай.

(“Маҳбуб ул-қулуб”дан)

“СЎЗДУРКИ БЕРУР ЖОНҒА ХАБАР...”

Рифъат аро фавқи Арши аъзам сўз эмиш,
Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиш,
Маъни дурри анда барча мудғам сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.

Сўздурки нишон берур ўлуқка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жонивдин,
Инсонни сўз айледи жудо ҳайвондин,
Билким, гўҳаре шарифроқ йўқ ондин.

(“Назм ул-жавоҳир”дан)

Филология фанлари номзоди
Дилнавоз ЮСУПОВА тайёрлади.

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонидида “Адабий танқид: бугун ва эртага”, деб номланган давра суҳбати эълон қилинган эди. Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бу ижодий мулоқотда айтилган фикр-мулоҳазалар адабий жамоатчиликда, газетхонларда қизгин муносабат уйғотди. Қувонарли жиҳати шундаки, ижодкорлар ҳам, адабиёт мухлислари, китобхонлар ҳам адабий танқиднинг бугунги аҳволига, ютуқ ва камчиликларига бефарқ эмас экан. Таҳририятга келатган хат-хабарлар, бу мавзуга муносабат билдириб ёзилган мақолалар шуни тасдиқлаб турибди. Биз мутахассис ва жонкуяр мухлисларнинг давра суҳбатида кўтарилган масалалар бўйича эътиборга молик фикрлари билан ўқувчиларни таништириб боришни режалаштиргандик. Шунга мувофиқ қуйида ижодкорлар: шоир Турсун Али, ёзувчи Ҳабиб Темиров ва тадқиқотчи Гулноз Сатторованинг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола қилинаётир.

Танқид ва адабиётшунослик бўлими

ЁШЛАР УМИД УЙҒОТАДИ

Бугунги танқидчилигимиз ахволи ҳақида гапирганда, “адабий танқид”, “адабиётшунослик” ва “адабий жараён” тушунчаларини бир-бирдан ажратиб талқин этмаслик керак, деб ўйлайман. Менинча, ҳар учала атама ахлит назарда тутилса муайян давр адабиёти ҳақидаги бутун тасаввур ҳосил бўлади. Бу фикр адабий меросга муносабатда ҳам эътиборда тутилса фойдадан холи бўлмайди.

Ёзувчилар уюшмасида адилларимизнинг адабий меросини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилгани ҳақидаги хабарни ўқиб хурсанд бўлдим. Бу аллақачон қилиниши лозим бўлган иш эди. Атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг уй-музейларида ҳали ўрганиб улғурилмаган қўлба маънавий бойликлар бор, уларни ўрганишнинг ахволи мактанарли эмас. Биргина Абдулла Қаҳҳор уй-музейи мисолида оладиган бўлса, музей архивида адиб ижодий мероси билан боғлиқ юзлаб манбалар бор. Музей ташкил этилганига 30 йилдан ошганига қарамай, архив материаллари эндигина жонкуяр тадқиқотчи Отабек Жўрабоев томонидан жамоатчиликка маълум қилиниб, бир система асосида ўрганилмоқда. Адиб архиви каталогини тузиш, асарларининг танқидий матнларини нашр этиш каби масалаларни бошқа уй-музейларида ҳам амалга ошириш лозим.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар муайян бадий асар, бугунги адабий жараён, адабий танқид ҳақида ўз қарашларини баён этишди. Бундай давраларда айтиладиган фикр ва қарашлар қанчалик турли-туман, гоҳида мунозарали бўлмасин, ижодий жараёнга туртки беради, муаммоларга ойдинлик киритади. Баҳодир Каримовнинг танқиднинг функциясини тўғри белгилаб олишимиз, олий ўқув юрлари магистратура йўналишларида танқид назарияси бўлимини очиб керак, деган фикрлари жуда ўринли.

Давра суҳбатидаги чиқишлардан бирида: “Бугунги адабий жараёнда адабий алоқалар сезилмапти, ёшлар жажон адабиётидан беҳабар”, дейилди. Мен бу фикрга қўшилмайман. Бирор хорижлик ёзувчи ёки адабиётшунос билан ўрашув ўтказиш, семинарлар ташкил қилиш адабий алоқаларнинг асосий мезони бўла олмайди. Бугун тил биладиган, йўл биладиган олимларимиз, ёшларимиз қўпайган. Турли авлодга мансуб ўнлаб ижодкорларимизнинг

асарлари хорижий тилларга таржима қилинаётир, уларга хорижлик адабиётшунослар муносабат билдиришаётир. Матбуотни, адабий нашрларни кузатиб бораётганлар бундан хабардор. Жаҳон адабиётининг кейинги йилларда амалга оширилган таржималар, дунё халқлари адабиёти, оқимлар, йўналишлар ҳақида эълон қилинган туркум мақолалардан кўз юммайлик. Иброҳим Ғафуров, Мухаммад-жон Ҳолбеков, Маҳкам Маҳмудов сингари аҳмад-каш таржимон ва адабиётшуносларнинг таржималари, илмий-тадқиқий тўпламларини эслайлик. Ўтган йилнинг ўзидаёқ ўзбек ижодкорларининг асарлари корейс тилига ўғирилиб чоп этилди. Э.Аъзамнинг ҳикоялари инглиз тилига, И.Мирзо шеърлари туркман тилига таржима қилинди. Айни пайтда биргина Озарбойжон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ўзида ўзбек адабиёти бўйича ўндан зиёд тадқиқотчи фаолият юритмоқда. Измирнинг ЭГИ университетидида ўзбек адабиёти антологияси яратилиб, талабаларга махсус курс сифатида ўқитилаётган. Санкт-Петербургда нашр этилаётган “Интеллигент. Спб” журналида замонавий ўзбек ижодкорларининг асарлари нашр этилмоқда. Ўтган йили У.Ҳамдамнинг “Бир пиёла сув”, И.Султоннинг “Айвон” ҳикоялари рус китобхоналарига тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, рус адабиётшуносларининг эътиборидан четда қолмади.

Албатта, бундай утуқлар танқид назаридан четда қолмаслиги лозим. Уларнинг таҳлили ва талқинини ўз вақтида амалга ошириш мунаққидлардан ижодий жараён билан узлуқсиз алоқада бўлишни, ҳозиржавоблиқни талаб қилади.

Эҳтимол, танқидчилигимизнинг бугунги ахволи мактанарли даражада эмасдир, бироқ бу ҳозирги адабий танқидчиликнинг ўз қиёфаси борлигига шубҳа билан қарашга изн бермайди. Соҳага талантили ёшлар кириб келаётир, уларнинг газета ва журналларда, хорижий нашрларда эълон қилаётган илмий-танқидий, таҳлилий мақолалари танқидчилигимиз истиқболига катта умид билан қарашга асос беради ва бу умидлар оқланишига ишонч уйғотади.

Гулноз САТТОВА,
ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтини катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Акс садо

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий кенгашларнинг ташаббуси билан ташкил этилаётган давра суҳбатлари ижодкорлар учун ҳам, адабиёт мухлислари учун ҳам айна мундоо. Зеро, бундай суҳбатларда айтилган фикрлар, билдирилаётган истак, тақлифлар қизгин мунозара, муҳокама бўлаётгани, албатта, қувончли ҳол. Адабий танқид муаммоларига бағишланган мулоқот ҳам кўп масалаларга ойдинлик киритди, деб ўйлайман. Зотан, каттаими, кичикми, чоп этилаётган асарлар китобхонларда турлича таассурот қолдиради. Зукко мунаққидларнинг профессионал сўзи эса уларнинг дидини ўстиради, тўғри мулоҳада юритишга қўмақлашади.

Давра суҳбатида танқидий руҳ устуворлик қилди. Нотиклардан бири бугун танқид керак эмас, деган фикрни ўртага ташлади. Шахсан мен бу фикрга қўшилмадим. Ахир, бадий адабиёт қатори адабиётшунослик, танқидчилик ҳам маънавий қадрият эмасми? Танқидчилик ҳам ўзининг бой тарихига эга, жаҳон бадий тафаккурида ўз ўрни, буюк намоёндалари, мактаблари бор. Танқиднинг адабиёт ривож, ижодкор маҳоратининг ўсишидаги хизматини инкор этиб бўлмайди.

Шу ўринда танқиднинг таъсири ҳақида узоққа бормай, ўзининг фаолиятимдан бир мисол келтирай. Ҳали ўспириб эдим. Ёш ижодкорларга эътибор сифатида Ғафур

Фуллом номидида Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Ёшлик баёзи” ҳақида атоқли адабиётшунос Озод Шарафидиновнинг “Гулистон” журналида мақоласи босилди. Унда менинг бир шеърим ҳақида устоз “қофияси яхши, вазни жойида, бироқ шеърда янгилик йўқ”, деб ёзган эди. Биринчи ва иккинчи китобчаларим ҳам мунаққидлар томонидан танқид қилинди. Шундан кейин узоқ вақт шеър машқ қилмай қўйдим. Бироқ изланишни тўхтатганим йўқ, устозларнинг этагидан тутиб, шеърининг сир-асрорларини ўрганишга интилдим. Айниқса, устозларнинг йўл-йўриқлари жаҳон адабиёти тажрибаларига эътиборимни тортгани мен учун жуда фойдали бўлди. Хуллас, ўша танқидлар туртки бўлиб шеър устида ишлашни ўргандим. “Танқид келажакнинг меваси”, деган ҳикматнинг моҳиятини англадим.

Кейинги пайтларда мунаққидларимиз фаолиятида бўш асарларга танқид кўзи билан қараш, дадил, холис баҳо бериш тамойили сусайгани давра суҳбатида тўғри таъкидланди. Ёзувчилар уюшмасида ишлаб юрган пайтимида Шеърят кенгашининг тақлифи билан бир неча шоирнинг ўз ҳисобларидан чоп эттирган китобларини танқидий мунаққидлардан бирига тавсия этиб, Кенгашнинг йиллик ҳисобот йиғилишида шу тўпламлар ҳақида фикр билдиришини илтимос қилдим. Бироқ у

рад этди: “Танқид қилсам, эртага ойбонга кўтариб келишади”, деди хушламай. “Ундай бўлса, менинг шеърларимни танқид қилинг”, дедим мунозара бўлар деган ниятда.

Демоқчи бўлганим: танқидчилигимизнинг ахволи бевосита мунаққидларнинг фаоллиги, принципиаллиги, журъат ва, албатта, ўз касбига фидойилигига боғлиқ.

Яна бир мулоҳаза. Адабий нашрларимиздан ташқари “Тафаккур”, “Гулистон” сингари ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий йўналишдаги газета ва журналларимизда ҳам бадий адабиётга, хусусан, танқидга ҳам муносиб тарзда ўрин берилаётир. Масалан, “Тафаккур” журналининг жорий йилдаги 3-сониди Муҳиддин Раҳимнинг “Хос ва авом адабиёти” мақоласини ўқиб қониқиш ҳосил қилдим. Муаллиф мавзуга теран кириб борган, бугун биз “бозор адабиёти” деб қараётган асарларнинг пайдо бўлиши сабаблари, оммавий адабиётнинг тижорий мақсадини кўзлаши, сийкалиги, асл адабиётнинг маънавий сусайишининг сабаблари сингари бир қанча масалалар борасида эътиборли фикр-мулоҳазаларни айтган. Айни шу масалалар адабий жараённинг, танқидчиликнинг долзарб мавзулари экани сир эмас. Танқидни қадрлайлик, унинг нафақат адабиётимиз, балки маънавиятимизга кўрсатадиган самарали таъсирини унутмайлик.

Турсун АЛИ

УММОНДАН ДУР ҚИДРАЙЛИК

Менинг назаримда, бугунги адабиёт улкан эврилишлар тўғрисида долғаланган бепоеён баҳри муҳитга ўхшайди. Мунаққид эса унинг тубида марварид қидираётган гаввосдек машаққатли меҳнатга дохил. У нафақат адабий журналлар ёки нуфузли нашриётларда чоп этилаётган, балки “сарик матбуот”, хусусий нашриётларда босилаётган энг махсулотларини ҳам синчиклаб назардан кечириши, энг яхшиларини топиб, таҳлилу тадқиқдан ўтказиши, бетакрор фазилатлари тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб, кенг тарғиб, замонавий тилда айтганда, реклама қилиши лозим. Яхши асарлар қадр-қимматини ошириш, китобхон дидини юксалтиришнинг энг мақбул йўли шу.

Албатта, бу жуда қийин, заҳматталаб иш. Ундан кўра “енгил-елли, бозорбоп, танқиддан тубан”, “кенг истеъмолдаги” махсулотлардан беш-олитасини олиб титкилаб, “бу адабиёт эмас, муаллифи ёзувчи эмас”, деган иддаонинг олдинга суриб мақолалар ёзиш осонроқ эмасми? Бунинг учун ҳатто ўшандай китобларни ўқиб ўтириш ҳам шарт эмас. Сони кўпми, демек, сифати паст, қиройли безалиб, дўқонларга териб қўйилганим, демек яроқсиз.

Кошки шу билан саёз асарлар камайиб қолса! Аксинча, бу ўша китоблар доврuginи янада оширади: “Эшитдингми, фалончининг китобини “уриб” чиқишибди. Демак, ичида бир гапи бўлиши мумкин. Албатта, ўқиб кўриш керак!”, деган гап-сўзларга замин яратади. Зеро, бозор иқтисодиёти ша-роитида танқид ҳам реклама вазифасини бажаради. Чунки

антирекламанинг ўзи ҳам реклама.

Адабиётшунослик, хусусан, танқидчилик ўз нуқтаи назарини ўзгартирмоғи, янгиламоғи зарур. Устоз мунаққидлар тўғри таъкидлаётгандек танқид билан эмас, кўпроқ тадқиқ ва таҳлил билан шуғулланган маъқул. Саёз китобни танқид қилишга сарфланадиган куч ва вақт яхши асарларнинг фазилатини чуқурроқ ва кенгрок очиб беришга қаратилса самара кўпроқ бўлади. Таҳлилга арзимайдиган асарлар назардан четда қолаверсин. Ёзишга ҳавасманд қаламкашларга “ёзма” деб ўқтириш билан уларни қозғо қоралашдан тўхтатишнинг имкони йўқ.

Қолаверса, адабиёт фақат дурдона асарлардан иборат бўлмайди. Яхши, ўртача ва савияси паст китоблар ҳамшира бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Кейинги пайтда бўш, саёз китоблар кўп чиқаётган бўлса бу — муваққат ҳодиса. Китобхоннинг диди ўсиб боргани сари унинг маънавий эҳтиёжи ҳам муқаррар юксалади. Танқид бунга ёрдам берса, нур устига нур бўлади.

Шундай экан, демек, бугунги бадий нашрларни “авом адабиёти, хос адабиёт”га ажратиб, “енгил-елли, танқиддан тубан, бозорбоп”ларига эътиборни қаратгандан кўра, чинакам истеъдод соҳибларини қидириш, топиш, қўллаш, тарғиб қилиш мақсада мувофиқдир. Ушумадгўйлик, таниш-билишчилик, юзхотирчилик сингари иллатлардан холи танқиднинг вазифаси ҳам аслида шу. Мунаққиднинг ўзи ҳам, сўзи ҳам холис бўлсин.

Ҳабиб ТЕМИРОВ

САНЪАТДАН ТОПИЛГАН БАХТ


Гаввос денгиз тубидан дур олиб чиқиши учун жонини хатарга қўйиб, машаққатларни енгиб ўтиши керак. Садаф ичидаги дур заргарнинг қўлидан ўтиб, сайқалланган зийнат ҳолига келгунча қанчадан-қанча меҳнат талаб этилади. Шунинг учун ҳам дурдоналар бекиёс ва қимматли. Истеъдодли ижодкорларнинг юрагини ҳам дурдоналар тўла денгиз тубига қиёс қилиш мумкин. Қалб қаъридаги бебаҳо бойлиқни ардоқлаб, уни халқ хазинасига қўйиш орзусида яшайдиган инсонлар ҳаммаша эъзозли. Ана шундай эл эъзозидagi санъаткорлардан бири Машраб Эрматовдир. Мумтоз ва ўзбек халқ ашулаларининг моҳир ижрочиси, таниқли санъаткор, қатор кўрик-танловлар ғолиби. 1989 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида ёшларга миллий мақом сирларидан сабоқ бериб келаётган Машраб аканинг юзлаб шогирдлари миллий кўшиқ санъатимиз ривожини йўлида ижод қилмоқдалар. Устоз санъаткор мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан "Ўзбекистон халқ ҳофизини" унвонига сазовор бўлди.

— Машраб ака, устоз санъаткорларнинг айтишича, ижодкор учун давлат ва халқ эътирофидан ортик бахт йўқ экан...

— Ҳақ гап. Назаримда, ҳар бир одам, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, қилаётган меҳнати эл-юртга манзур бўлаётгани, йўқми, билгиси келади. Агар "Яхши ижрочи ёки ўз касбининг моҳир устаси экан", деган гапни эшитса, беихтёр ўзини шоду хуррам сезади. Камтарона ижодим "Халқ ҳофизини" унвонига муносиб кўрилганидан бошим осмонга етди. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Бундай рағбат, шубҳасиз, янги ижодий изланишларга чорлайди.

— Мақомларда муҳассам бўлган маънавий-бадиий гўзалликларни ижро жараёнида намойён этиш, уларни тингловчига етказиб бериш ҳофиз ва созандалардан юксак маҳорат талаб қилади. Сизнингча, ҳофиз учун ижодда энг муҳим омил нима? Сизнинг ижодингизда халққа танилиш жараёни қандай кечди?

— Менинг Фаргона вилояти Кўкөн шаҳрида санъаткор оиласида дунёга келганим мусиқа ва кўшиқ санъатига меҳр қўйишимда асосий омил бўлган, деб ўйлайман. Мен мусиқа ва кўшиқ дунёсида ўсиб улғайдим. Ҳали болалик чоғларимдаёқ миллий соҳаларга кўп қизиқардим. Шу сабабли отамнинг ўзлари қўлимдан етаклаб мусиқа мактабига олиб борганлар. У ерда гижжак синфига таълим олганман. Албатта, бирор миллий созни қўйиллатиб чалмаган одамдан яхши ҳофиз чиқиши мушкул. Кейинчалик мусиқа билим юртида ҳам гижжак синфига ўқидим. Консерваторияда анъанавий ижрочилик бўлимида таълим олдим. Ижодий ютуқларим эса узлуксиз санъаткорлар даврасида бўлганим, устозларимдан олган ўғитларим ва тинимсиз меҳнат тўғрисида, деб ўйлайман. Билим юртида ўқиб юрган кезларимда танловда қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлганман. Ўшада Хоразм суворасини ижро этганман. Биласиз, Хоразм суворасини ижро этиш жуда мураккаб. Асосан Тошкент — Фаргона йўна-



лишида куйлаб юрган бўлсам-да, сувора хайъат аъзолари маъқул келибди. Ана шу ашула "ташриф қоғозим"га айланди.

— Маълумки, бугун ёшлар ўртасида миллий мақом санъатимизга қизиқиш пайдо бўлмоқда. Бунда, шубҳасиз, устоз-шогирд муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Устоз-шогирд аъёнаси бугунги кунда қандай давом этмоқда?

— Устоз-шогирд аъёнаси бизгача бўлган, биздан кейин ҳам давом этадиган жараён. Биз ҳам талабалик йилларида устозлардан таълим олганимиз ва ижро сир-асрорларидан воқиф бўлганмиз. Энди бугунги кун билан таққослайдиган бўлсак, биз ўқиб юрган кезларимизда ҳозиргидек шарт-шароитлар, қулайликлар мавжуд эмасди. Оддийгина бир мисол: фонотекадан бир кўшиқни эшитиш ёки кўчириб олиш нихоятда қийин эди. Ҳозир ижро этиб турган пайтнинг ўзидаёқ ёзиб олиш имкони мавжуд. Ёшларни қуза-тиб туриб бир нарсача кўпроқ аҳамият бераман. Дарс мобайнида топшириқлар берилгандан сўнг, айрим талабалар вазифа-

ларни бажаришга ҳаракат қилади, лекин овоз пайчалари яхши ривожланмаган бўлади. Айримларининг овози тўғри шакланган бўлса-да, ахборот қабул қилиши секин кечади. Яна бир тоифа талабаларда сирдан қараганда ҳеч қандай камчилик кўринмайди, лекин астойдил ҳаракатни сезмай-сиз. Чинакамга ўрганишга иштиёқи бор талаба топшириқларни вақтида бажаради, ҳаракат қилади, қўшимча дарсларга қатнашади, қисқа қилиб айтганда ўқишга, илм олишга чанқок бўлади. Бундай талабаларга астойдил билим беришга тайёрман, улар билан ишлашдан ҳузурланаман.

Мақом санъатини архивлардан қидириб топиб, қўшилиб ижро қилиб ўрганиш ҳам мумкин. Яъни устоз кўрмасдан, ўзи ҳаракат қилиб ўрганиш имконияти ҳам бор. Лекин бунинг нотўғри томонини ҳам ҳисобга олиш керак. Аввало, эшитиб ўрганидиган ашула тўғри ижро қилинганми, йўқми, қолаверса, оҳангнинг жойига тўғри тушира оладими, яна нафас йўлини тўғри қўя биладими, ҳеч бўлмаса, ижро пайтида сўзларни жойига қўйиб тўғри айта оладими? Булар ҳали оддий, кўзга кўринадиган камчиликлар. Демок-чманки, "Устоз кўрмаган шогирд ҳар томонга йўргалар", деган нақл бежиз айтилмаган.

— Ҳозир мақом ашулаларини бузиб айтиш ҳолларига дуч келасизми? Қолаверса, ўз ижроингиздан қониқмаган пайтларингиз ҳам бўлганими?

— Аввало шунини айтишим керакки, бизгача мерос бўлиб келган маданиятимиз дурдоналарини бузиб айтишга ҳаққимиз йўқ. Чунки бу асарлар келажак авлодга завол кўрмай етиб бориши керак. Эҳтимол, ижро пайтида ашуланинг қайсидир қисмлари янада чиroyли чиқиши учун жило бериш мумкин. Бироқ бу сўзни бузиш ҳисобига эмас, албатта. Бир марта ижро қилинган ашулани иккинчи марта худди ўшандай такрорлаш жуда мураккаб жараён. Қўшимча ҳиллолар қўйишнинг аниқ. Қўшиқ доим сайқаллаб ижро этилади. Фақат меъёри билиш зарур. Меъёр бузилган жойда ашула бадииятига путур етади.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келсак. Ижодкор қилган ишидан ёки ижро этган қўшиқидан қониқиш ҳосил қилса, кўнгли тўлса, аввало, ўзига бино қўйган бўлади, қолаверса, ижод қилишдан тўхтайдди. Ривожланиш давом этар экан, бугун яратилган янгилик эртага эскиради. Айтмоқчиманки, айтиб келаётган қўшиқларимни иккинчи бор ижро этганимда қандайдир ўзгаришлар пайдо бўлади. Чинакам ижодкор ҳеч қачон ижодимдан қониқиш ҳосил қилдим, дея олмайди. Шунинг учун ҳамон устозлардан ўрганишдан, ибрат олишдан чарчамайман. Устозлар кўпни кўрган, ҳаёт мактабини ўтаган бўлишади. 2015 йилининг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Кексаларни, устозларни ҳаммаша қадрлаш, уларнинг тажрибасидан кўпроқ ўрганиб қолиш керак. Айниқса, санъатга қадам қўётган ёшлар бунинг ёдда тутишлари зарур.

Жасур ОЧИЛОВ,
Элдор ЙЎЛДОШЕВ

Бугунги кунда Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ўрта авлод вакиллари — Жамол Усмонов, Шаҳноза Абдуллаева, Алишер Алиқулов, Зебинисо Шарипова, Бобур Исмомов, Татьяна Ли, Дилором Мамедова сингари мўйқалам усталарисиз ижодий жараёни тасаввур қилиш мушкул. Ана шу мусаввирлар орасида ўтган асрнинг 90-йилларида тасвирий санъат оламига кириб келган Нафиса Гилманованинг алоҳида ўрни бор, десак янглишмаймиз.

НАФИСАНИНГ НАФИС ОЛАМИ

Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келган Нафиса ҳамма болалар қатори қўлига қалам олиб оқ қозғога турли шакллар чиқишдан чарчамасди. Ота-онаси унинг чизмаларини кузатиб, бора-бора булар шунчаки шакллар эмаслигини тушунишди. Фарзандларининг суратларида маъноларни ўқиб, Нафисани Зоя Абрўцкая раҳбарлигидаги тасвирий санъат тўғралигидаги беришиди. Ёш қизча сурат чизишининг алифбосини шу ерда ўрганди. Ўрта мактабни тугатганида Нафиса алақачон бир физика келганди: у Тошкент педагогика университетининг бадиий графика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда таниқли рассом ва педагог Янис Салпинкидидан тасвирий санъат сир-асрорларини ўрганди. Ўқини битиргач, шу даргоҳда, "Чизматасвир ва рангтасвир" кафедрасида ўқитувчи сифатида иш бошлади.

Ёш ижодкор ҳаёти ва фаолиятида янги давр бошланди. Педагогик билан бирга ижодни ҳам фаол давом эттирди. Нафиса ёшлигидан она табиятини, тоғ-далаларни чиқишни ҳуш кўрарди. Шу сабабли, ёш рассом тасвирий санъатнинг манзара жанрини тан-

топилган бадиий композицион ечим кишини лол қолдиради. Бу асарлардаги нур ва соя тақлини, тасвири, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам ижодкорнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Нафиса биз билан бўлган бир сўхбатда "Мен ранг ва нур ҳамон ҳам бўлишни яхши кўраман", деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам, "Лимонли натюрморт", "Учта кўза", "Бойчечаклар", "Кузги гулдас-та", "Ноклар", "Мандаринли натюрморт", "Олмалар ва хурмолар", "Увайсий хотирасига" каби жуда кўплаб асарларда ҳаёт давомийлиги билан халқимиз донишмандлиги ўз

Рассом ва замон

аксини топган. Натюрморт ишлари, асосан, қалам, акварель, мойбўёқ, графикада чизилган. "Увайсий хотирасига" деб номланган натюрмортда ранглар уйғунлигини, композицион тузилишининг аниқлигини, нур ва соянинг ўйноқчилигини кўриш мумкин. Мумтоз шоира Увайсий "Анор" чистонида айтмоқчи бўлган дард натюрмортда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, мусаввирнинг портрет жанридаги ишлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Портретларда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасига ишлатилган ранглар нисбати, нур ва соялар



лади. Табиат унга бахш этаётган сокинлик, рангчилик, муносиқлик асарларида ҳам акс эта бошлади. У юртимиз табиятини шунчаки чизиб қолмай, ҳар бир асарига қалб кўрини, меҳрини, дунёқарашини сингдиришга ҳаракат қилди. Тоғу дарёлар, шаршаралар, гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, турли фазллардаги она табиятимизнинг бекиёс манзаралари рассомнинг севган мавзурига айланди.

Мусаввир полотноларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик муҳассам. Нафиса ҳар кунни кўриб юрган нарсаларимизда мўъжизани, гўзаллиқни кўради ва уларни ҳайрат билан матоларга муҳрайди. У бир маскандан бир неча бор бўлса-да, ҳар сафар бирор янгилик топади. Шунинг учун ҳам бир манзаранинг бир неча тасвири ҳам томошабинни зериктирмайди. Эҳтимол, тасвирларда манзаралар турфалиги табиятнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқдир. Нафиса бу ўзгаришларни зийраклик билан илғаб, жуда нозик тасвирлайди.

Нафисанинг ижодида мумтоз натюрморт жанри ҳам алоҳида ўрин тутди. У нидерланд мактабининг машҳур вакиллари Питер Класс, Виллем Хедд аъёналарига эргашишга, уларни ўзига хос тарзда ривожлантиришга интилади. Шу билан бирга, асарларига ўзбек халқ амалий санъати аъёналарини, миллий қадриятларни олиб киришга, уларни юксак савияда тасвирлашга ҳаракат қилади. Рассом натюрмортларида тасвирланаётган буюмлар, мева-сабзавотлар ҳаётий реализмга асосланган. Шакл ва рангларда шоирона талқин кўзга ташланади. Натюрмортлардаги мукаммал чизгилар, ёрқин, нафис ранглар ўзаро уйғунлашиб, оқиб ёки қорамтир фон асосида бўртиб кўринади. Бир қарашда тасодифан жойлашгандек туюлган мева ва буюмлар рассом томонидан дид билан жой-жойига қўйилгани, ҳар бир асар учун

уйини, баъзи чизгилар гўё уларнинг ички олами, характери, руҳиятидан сўзлаётгандай бўлади.

Н.Гилманованинг иккита ўтган кўргазмаси, юртимиз ва хорижда ўтган етмишдан ортик кўргазмаларда намойиш этилган ишлари кўплаб мутахассислар ва мухлислар эътирофига сазовор бўлган. Қатор асарлари Ўзбекистон музейларида, Германия, Канада, Қозғистон, Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар экспозицияларида намойиш этилиб, шахсий коллекциялардан ўрин олган.

Ҳозирги кунда Н.Гилманова Тошкент архитектура-қурилиш институтининг "Чизма тасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик" кафедраси доценти сифатида бўлғуси архитектор ва дизайнерларга сабоқ бермоқда. Мусаввирлик ва педагогик тажрибасини умумлаштириб, талабалар учун "Рангтасвирда ёруғлик ва ранг", "Сурат", "Тасвирий санъатда композиция" каби китоб ва рисолалар чоп этди. Айни пайтда Н.Гилманова фаол ижод билан банд.

Қуни кеча Камолиддин Бехзод номидаги боғ-музейда очилган шахсий кўргазмаси бунинг далилидир. Экспозицияда мусаввирнинг турли жанрларда ишланган энг сара асарлари намойиш этилмоқда. "Орзуимдаги асарни ҳали чизолганим йўқ, — дейди Нафиса. — Лекин ўйлаб юрган, ҳаёлимда анча пишиб қолган мавзулар бор. Ана шуларни меъёрига етказиб, мухлисларга тортиқ этиш ниятидаман".

Демак, изланиш давом этади. Айни камолот палласига қадам қўйган мусаввир ҳали кўплаб асарлари билан гўзаллик шайдоларига завқ улашаваради.

Муаттар СОДИКОВА,

Санъат ва маданият институти доценти

ГЎЗАЛЛИККА ШАЙДОЛИК

Она замин бағрида кўз очган жаж-жи нихилнинг кўркам ва серхосил дарахтга айланишини ўзига хос мўъжизага менгзаса арзийди. Вақти келиб ушбу дарахт нэъматларидан янги ниҳолларнинг дунёга келиши ҳам аслида ҳайратланарли ҳодиса. Пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида очилган "Ли оиласи" кўргазмаси билан танишаркансиз, табиат оламига хос гўзал жараён санъат оламига нақадар уйғун эканлигига амин бўласиз. Узок йиллардан буён миллий тасвирий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган гўзаллик изловчилар яратган асарлар мухлислар эътиборини қозонгани сабаби шунда. Санъатшунослар томонидан ўзига хос куз вернисажига қиёсланган кўргазма рангтасвир, графика каби йўналишлардаги юзлаб ранг-баранг ижод намуналари намойишга айланади. Шу муносабат билан яқинда Фотосуратлар уйида "Ли оиласи" кўргазмасининг ижодий муҳокама-си ўтказилди. Таниқли ижодкорлар, санъатшуно мутахассислар, талабалар иштирок этган ушбу тадбир тахлилий мулоҳазалар, қизгич баҳсларга бой бўлди.

Академик Акбар Ҳақимов кўргазманинг умумий қиёфасига баҳо бераркан, намойишга қўйилган асарларнинг барчаси миллий руҳга йўғрилганига алоҳида эътибор қаратди. Улардаги самимият, болаларча бегуборлик замирида ўзбек тасвирий санъатига хос изланишлар ёрқин акс этган. Шу билан бирга рассомлар оиласининг ҳар бир аъзоси бетакорор услубга, ёрқин дастхатга эга. Яқин ижодий ҳамкорлик уларнинг санъат оламидаги мустақил фаолиятига тўсиқ бўлгани йўқ. Аксинча, доимий мулоқот, фикрлар алмашинуви янги изланишлар сари илҳом бағишлади.

Ўзбек халқ эртакларидан тортиб жаҳон адабиёти дурдоналарига бағишланган ижод намуналари юксак маҳорат, нозик дид билан яратилган. Халқ

оғааки ижодига қизиқиш кўргазмадан ўрин олган бошқа кўпгина асарларда ҳам яққол сезилади ва бунинг рассомларга хос умумий жиҳат сифатида белгиланган мумкин. Шунингдек, мусаввирлар оиласининг барча аъзолари ҳозирда педагогик фаолият билан шугулланиб келаётгани алоҳида эътироф этилиб, уларнинг саъй-ҳаракати билан ёш мўйқалам соҳиблари учун бир қанча қўлланмалар нашр этилгани таъкидланган.

Тадбир давомида замонавий тасвирий санъатимиздаги долзарб масалалар, жумладан, ёш рассомларни тарбиялаш, санъат бозорини ривожлантириш борасида ҳам мулоҳазалар билдирилди.


Татьяна ЛИ, педагог рассом, Халқ таълими аълочиси:

— Рассом бўлиш орзусида қўлига мўйқалам олган ҳар бир ёш ижодкор, аввало, Ватанга муҳаббат туйғусини қалбига жо этиши зарур. Шундангина санъат оламида ўз "мени"ни топа олади. Мисол учун, оиламиз аъзоларининг ижоди ўзбек халқининг миллий аъёналари, санъати ва адабиёти замирида шаклланишига шубҳа йўқ. Ўзбекистондек жаннатмақом заминда дунёга келиб, ижод қилаётганимиз — бизнинг энг қатъи бахтимиз, деб ўйлайман.

Анвар МАМАЖОНОВ, график рассом:

— Кўргазмада адабий асарлар учун ишланган график асарларга кенг ўрин берилганини кўриб хурсанд бўлдим. Фикримча, бу кўргазманинг замонавий санъатимиздаги аҳамиятини янада оширган. Боиси, бугун китоб беэагини ишлашда компютер дастурларидан тобора кенг фойдаланилаётгани графика санъати ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, рассом мўйқаламининг ўрнини ҳеч нима босолмайди ва ёш ижодкорлар бунинг теран англашлари зарур.

А.ИМОМОВ



КЕРАКЛИ КИТОБ

Театр ва драматургия ҳақидаги қарашлар, турли мусохабаю мунозаралар антик даврдан бошлаб то ҳозиргача давом этиб келаёттир. Фикримизча, бу баҳсларга яқин орада ҳеч ким нукта қўйолмас керак. Театр — жонли, мунтазам янгилашиб, ўзгариб борувчи санъат. Чинакам саҳна асари — давр маҳсули, унда замонга мос тутумлар, фикру қарашлар ифодасини топади. Бинобарин, театрни нафақат санъат тури, балки илм сифатида ўрганиш, тадқиқ этиш, саҳна санъатига бағишланган мақола, рисола, дарсликлар яратиш мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Санъатшунослик фанлари доктори Муҳаббат Тўлаҳўжаеванинг "Театр таъкидчилиги: артист, режиссёр, спек-

такл" («San'at» журнали нашриёти, 2015) номли китоби соҳа мутахассислари, саҳна ижодкорлари ва ёш театршунослар учун аниқ муддао бўлди. Мазкур тўпламда муаллифнинг салкам ярим асрдан буён матбуотда эълон қилинган театр санъатининг турли муаммоларига бағишланган мақолалари, тақризлари, сўхбат ва ижодий портретлари жамланган.

Муаллиф пойтахт ва вилоят театрларида кечаётган ижодий жараёнлар, драматургия, режиссура, актёрлик санъати билан боғлиқ ҳодисалар ҳақида сўз юритар экан, театрни теран ҳис қилиши, саҳнавий ифода восита-

ларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур билиши сезилиб туради. Спектаклларнинг жанр хусусиятлари, услуби, бадиий савияси, гоёвий аҳамияти, эстетик таъсирчанлиги каби масалалар театршунослар нигоҳи билан идрок этилади.


Китобдан ўрин олган «Ўзгалар бахти деб», «Бош қаҳрамон — Яго?», «Гургут тугган қизча», «Хитой гўзаллигининг сири», «Гоцини саҳналаштириш осонми?», «Хамлет»нинг янги талқини», «Ҳаракатдаги шеъринг» каби тақризларда турли йилларда саҳнага қўйилган спектаклларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинади. «Мураккаб давр ва театр», «Композитлар бус-бутун», «Абадиятга дахлдор санъат» сарлавҳали сўхбатларда юртимизнинг етак-

чи театр режиссёрлари ва актёрлари билан қизгич баҳс-мунозаралар олиб борилади. «XX аср театр услуби, бадиий савияси, гоёвий аҳамияти, эстетик таъсирчанлиги каби масалалар театршунослар нигоҳи билан идрок этилади» хотлари», «Шекспир ва саҳна тажрибалари» сингари мақолаларда эса жаҳон саҳналарида вуқудга келаётган янги йўналишлар, оқимлар, уларнинг ўзбек театрига таъсири илмий ёндашув орқали асосланган.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг хронологик тартибда жойлаштирилгани эътиборга лойиқ. Ушбу тадрижийлик орқали узок тарихга эга бўлган, илдилари халқ аъёнавий томоша ва ўйинларида бориб тақалуви ўзбек театри истиқлол йилларида янги қиёфа касб этаётгани аён бўлади.

Китобга профессор Б.Сайфуллаев сўзбоши ёзган.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ



Фулор ШОМУРОД

СОҒИНАМАН ЭНДИ СЕНИ



ИЛК ҚАДАМ

Сандиш бугун илк бор,
Аста қадамини ташлади.
Эркин юриш завқини,
Туйиб, кула бошлади.

Бир, икки, уч, беш, олти...
Болакай ташлар қадам.
Юриб кетаркан олдин,
Ишонч ортар ҳар дам.

Атрофда ота-она,
Бува, буви кузатар.
Тойиб кетмасин, дея,
Барчаси қўл узатар.

Бутун оламда гўё,
Зўр воқеа бўляпти.
Қаранг, митти одамча,
Қадам ташлаб юрипти.

Бир, икки, уч, тўққиз, ўн...
Қадамлар тушар шахдам.
Дадил бўл, оёқ қўйгин,
Юригин, юра қол илдам.

Юригин, кутади олда,
Сени қўп-қўп довоилар.
Юригин, юра қол олға,
Сеники бу жаҳонлар.

ЮЛДУЗЛАР

Офтоб ўчиб,
Кетди кундуз.
Кўкка кўчиб,
Чикди юлдуз.
Нурин тараб
Кенг осмонга.
Юлдуз қараб
Мен томонга.
Жимир-жимир
Этиб кулар
Мен-ла суҳбат
Қурмоқ бўлар.
— Кел, юлдузжон
Сўйлашамиз,
Бўлиб шодон
Кўйлашамиз:
— Осмон бўлсин
Тўла юлдуз,
Уни кўриб
Қувонсин кўз.
Ўхшаймиз, бил,
Биз ўзимиз.
Биз ҳам ернинг
Юлдузиниз.
Оналар-чи

Бизини шундан,
Юлдузим, деб,
Севар дилдан.
Барча юлдуз
Бўлсин омон,
Бўлсин замин,
Бўлсин осмон!

ОЛМАХОН

О, олмахон, олмахон,
Эпчилсан, бунча чакқон.
Митти жонивор ўзинг,
Ўтқирдир, аммо кўзинг.
Узоқ тутиб орангини,
Кўз илғамай қорангини.
Бирдан гойиб бўласан,
Қайга қочиб қоласан?
Сени тутмоқ бўлсам ҳам,
Қанча қуваласам ҳам,
Тутқич бермайсан менга,
Қойилман, қойил сенга.
Ўзингга этиб шайдо,
Яна бўлдурсан пайдо,
Думларинг гарчи узун,
Бошқариб, буриб ўзинг,
Югуришдан қолмайсан,
Чарчамайсан, толмайсан.
Қани тезроқ улғайсам,
Сендай югуриб илдам,
Ҳаммадан ўзиб, чакқон,
Бўлар эдим чемпион.

Болалар бекаги

Ғ.ШОМУРОД 1937 йилда туғилган. Бухоро давлат университети тарих-филология факультетини тугатган. "Ойдинда кезаман", "Олам ичра олам", "Қалбим қатраси", "Соғинч соҳили", "Ватаним — кенг жаҳоним", "Меҳрим меҳвари" номли шеърый тўпламлари chop этилган.



Нодира ОРИПОВА. «Кўз неъматини»

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
ЯНГИЛИКЛАРИБелорус адабаси —
Нобел мукофоти лауреати

Швед академияси қарорига биноан машҳур белорус адабаси Светлана Алексиевич адабиёт соҳасида 2015 йилги Нобел мукофоти совриндори бўлди. 67 ёшли ёзувчининг номзоди икки йилдан буён рўйхатларда қайд этиб келинаётган бўлса-да, жаҳоннинг адабиёт бўйича энг нуфузли мукофоти унга канадалик Элис Манро ва франциялик Патрик Модинолардан сўнг nasib этди. Адибанинг фронтдош аёллар қисматига бағишланган "Уруш аёлларнинг иши эмас" романи аллақачон мумтоз асарга айланиб улгурган. Афғон уруши жароҳатлари ҳамда ана шу беаъни урушда фарзандларидан жудо бўлган оналар фарёди акс этган "Рухланган кутиди қайтган ўсмирлар", "Чернобил ибодати", шунингдек, ўтган аср 90-йиллари воқеалари тасвирланган "Секонд хэнд вақти" асарлари ҳам шов-шув билан ўқилган китоблар сирасига қиради.



Тарбиячи, тарих ва немис тили муаллими сифатида иш бошлаган С. Алексиевич 1972 йили БелДУ журналистика факультетини тамомлаб, туман ва вилоят газеталари, сўнг "Нейман" адабий журналида фаолият олиб борган. Муайян мuddат Италия, Германия, Франция ва Швецияда яшаб, Европа ҳаёти ва муҳити билан яқиндан танишган. Ўзини А. Адамович ва В. Биков шоғирди ҳисоблаган адиба, асосан, бадий ва ҳужжатли проза жанрларида ижод қилади. Асарлари кўп бор саҳналаштирилган ва бир қанча нуфузли халқаро адабий мукофотларга сазовар бўлган. Сценарийлари асосида ўнлаб ҳужжатли телефилмлар суратга олинган. Китобларининг умумий тиражи 4 миллион нусхадан ошиб, инглиз, француз, олмон, швед, поляк, хитой, норвег ва бошқа жаҳон тилларида таржима қилинган. С.Алексиевич мустақил Белорусс давлати тарихидаги биринчи Нобел мукофоти совриндори бўлиб, адиба бундай юксак эътирофга "Замон изтиробини ва матонатга қўйган ҳайкали — кўп қиррали ижоди учун" сазовар бўлди. Адабиёт соҳасидаги мазкур мукофот Швед академияси тарихида профессионал журналистга берилган илк Нобел мукофотидир. Унинг қиймати 953 минг АҚШ долларига тенг.

Умберто Эко ва Жойс поэтикаси

Таникли италян адиби Умберто Эко қаламга мансуб "Жойс поэтикалари" китоби Шарқий Европа тилларида ҳам нашр этилди. "Исми атиргул", "Фуко маятниги" ҳамда "Арафа ороли" каби бестселлерлари билан доврқ қозongan адибнинг асарлари қирқдан ортиқ жаҳон тилларида таржима қилинган, нуфузли адабий мукофотлар билан тақдирланган. Жаҳоннинг етакчи академиялари аъзоси бўлган адибнинг "Жойс поэтикалари" китоби Жеймс Жойс асарлари таҳлилига бағишланган. Унда буюқ ирланд адибнинг таърибига асосланмаган католик схоластикага хос билимга мойиллигидан тортиб, "дунёни англашнинг янги шаклини" яратишга бўлган бутун ижод йўли батафсил тадқиқ этилади. Муаллиф "Мусавирнинг ёшлиқдаги шамоили", "Улисс" ва "Финнеган маъракалари" асарларининг пухта таҳлили орқали Жойснинг ўзига хос бадий оламига киришга муваффақ бўлган. У. Эко Жойс ижодининг асосий фазилатини ўзига хос бўлган аъналардан воз кечиб, Европа ижодиётида "ўта бетартиблик имкониятини очганлик"да кўради.

Данте, Шекспир ва

Пушкиннинг илҳом олган шоир



Жаҳон адабий жамоатчилиги оташнафас шоир Сергей Есенин таваллудининг 120 йиллигини кенг нишонлади. С.Есенин шеър ва достонлари жаҳон тилларида энг кўп таржима қилинадиган ижодкорлар сирасига қиради. Шўролар тузуми қаттолликларини қабул қила олмаган ва шу боисдан айни ўттиз ёшда ҳаёти сирида равишда хотима топган шоир қисқа умри давомида яратган гўзал шеърини билан миллионлаб мухлислар қалбини ром эта олди. Шунинг учун ҳам бетақдор умр кечирган, севган ва севилган, она юрти меҳри ва муҳаббатини асарлари қатига муҳирона муҳрайд олган шоирнинг ёниқ шеърлари ҳамон тиллардан тушмай келаётди.

Сергей Есениннинг "Форс тароналари" туркуми ва бошқа шеърлари атоқли шоиримиз Эркин Вохидов ва бошқа ижодкорлар томонидан она тилимизга ўтқилиб, кўп бора тўпламлар тарзида chop этилган. Шунинг айтиш керакки, жаҳонда Есенин ижодида қизиқиш ва асарлари моҳиятини илмий жиҳатдан идрок этишга унинг ҳаётлик давридаёқ киришилган эди. Хусусан, белгиялик адиб ва таржуман Ф. Эллен томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1922 йили Парижда "Безорининг истифори" номи билан chop этилган Сергей Есенин шеърый китобидан ўрин олган иккита йирик мақолада таржимон шоирга Данте, Шекспир ва Пушкиннинг мумтоз жаҳоний аъналаридан илҳомланган ижодкор сифатида баҳо берган. Европалик тадқиқотчилар ўтган аср йиғирмачи йиллари бошидаёқ илк бор эътироф этган Есенин шеърларидаги фалсафийлик, полифонизм ва универсаллик эндиликда шоирнинг ўз ватанида ҳам илмий таҳлилга тортилиб, кўп жилдли асарлари нашрига киришилмоқда.

ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ

Нигох

Тошкент Фотосуратлар уйида таникли рассом Ас-лиддин Калонунинг "Туйғулар дунёси" номли кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг сўнгги йилларда яратган бир юз элликдан ортиқ рангтасвир ва графика асарлари намойиш этилмоқда. "Онам хотирасига бағишланади", "Кеча ва кундуз", "Нурота жозибаси", "Олис болаликдаги тут да-ракти", "Қушларнинг кузги парвози" сингари композицияларда рассомнинг болаликда кўрган-кечирганлари, борлиққа бўлган муносабати ўз ифодасини топган. Афросиёб тепаликларидagi манзаралар оқ-қора, сувбўёқда жуда аниқ тасвирланган. Айниқса, фасллар жозибаси ўзига хос ранглар оғушида ҳаққоний акс этган. Унинг асарларида очиқ эшиклар, камар йўллар, миллий нақшлар билан қушларни кўп учратиш мумкин. Айрим манзаралардаги учатган қушлар гўё қуёшга интилаётган рассом қалбидек таассурот қолдиради.



А.Попов олган сурат

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 58-мактабда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг "Siloam Center for the Blind" ташкилоти томонидан спорт, мусиқа ва тиббиёт жиҳозларидан иборат мурувват ашёларини тақдим этиш маросими ўтказилди.

Тадбирда Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар ходимлари, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.


Тақдимот маросимида болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 58-мактаб ўқувчилари ўзбек ва корейс миллий рақсларини ижро этдилар.

"ЎЗУМ СОРИ БОҚМА, СЎЗУМ СОРИ БОҚ"

Шарқда устоз, мураббийларнинг хизмати шоғирдга илм беришгина эмас, балки унинг маънавий дунёси, иродаси, руҳи, қалби, феълини тарбияладан ҳам иборат бўлган. Мумтоз адабиётимиз намуналарини варақлаб бу фикримизни далиллайдиган кўплаб мисоллар келтириш мумкин. "Turon zamini ziyo" нашриётида chop этилган навоийшунос Буробия Ражабова-нинг "Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ" номли рисоласи ҳам айнан шу мавзуга бағишланган. Рисолада Навоий асарларидаги устоз-шоғирдлик муносабатлари, китобхонлик, илму маърифат, маънавият масалалари талқини жонли мисоллар, таҳлил-

Китобдан яхши дўст бўлмас

нинг Амир Темурни "Ҳоқони жаҳонгири Сохибқирон, яъни Темур Кўрогон" деб эҳтиром билан тилга олгани, Амир Темурнинг Бобо Сунгу, Хожа Боязид, Бобо Хокий каби шайхлар билан муносабатига алоқадор ибратли воқеаларни тасвирлагани ҳақида сўз юритилган. "Навоий ижодида устоз-шоғирдлик муносабатлари талқини" сарлавхали мақолада эса муаллиф Навоийнинг устоз-мураббийлик, бир ҳарф ёки ҳунар



лар орқали очиб берилган. Жумладан, "Насойим ул-муҳаббат"да Амир Темур сиймоси сарлавхали мақолада Навоий-ўргатишининг ранжи, ҳаққи тўғрисидаги фикрлари баёни билан бирга, шоир таржимаи холининг айрим чизгилари, илк сабоқ даври, пухта ўрганган фанлари, устозларига доир муҳим ва қизиқарли маълумотлар билан ҳам таништиради.

"Али Яздий Навоий наздида", "Навоий Бадёуззамон мирзо ҳақида", "Навоий ва ҳуқуқий тарбия", "Ислом маданияти ва Алишер Навоий" сингари мақола-ларда ҳам буюқ шоирнинг илм ва маърифат эгаллаш йўлида чекиладиган заҳмат ва юз ганж топиш ҳикмати, давлат бошқаруви ва шарият ишлари, адолат ва одамийлик каби умумбашарий қадриятлар ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган.

Ушбу илмий-маърифий нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Мухаррир Дилшод Ражаб.

"МАРС" ЛИКЛАР ГАВАЙ ОРОЛЛАРИДА

"The Guardian" газетасининг хабар беришича, Гавай оролларида Марс сайёрасида яшагга мослашишни тадқиқ этишга бағишланган эксперимент бошланган. Олти кишилик жамоа диаметри ўн бир ва баландлиги олти метрдан иборат кубба шаклидаги ҳар томондан ихоталанган қароргоҳда бутун йил бўйи яшайди. Кўнгилчилардан ташкил топган байналмилал гуруҳда франциялик астробиолог, олмониялик физик, шунингдек, америкалик учувчи, архитектор, шифокор, айни чоғда, ҳам журналист, ҳам тупроқшунос бўлган олтинчи аъзо фаолият олиб боради. Тадқиқот қатнашчилари айтишича, "мазкур олтовлон одамнинг исталган шарт-шароитда яшаши мумкинлигини исботлаб, дунёни ўзгартиришга аҳд қилган".

Қароргоҳда ҳар бир кўнгилчиларнинг қароват ва столдан иборат ўз бўлмаси бўлиб, улар консерва-

ланган тунец балиғи ва пишлоқ қуқуни билан озиқланиладилар. Ташқарига эса фақат скафандрларда чиқишади. Бундан ташқари, тадқиқот қатнашчилари интернетдан жуда оз вақт фойдаланишади. Тажриба расман шу йил 28 август жума куни маҳаллий вақт билан соат 15.00 да бошланган.

Бу — Марсда яшаб, сайёрани тадқиқ этиш бўйича муайян кўникма ҳосил қилиш юзасидан амалга оширилаётган тўртинчи тажриба бўлиб, биринчи тўрт ойлик тажриба 2013 йили бўлиб ўтганди. Ўтган йил март-июль ойларидаги иккинчи 120 кунлик ва шу йил 14 июнда тугаган саккиз ойлик учинчи уринишлар ҳам муваффақиятли ўтган. Рельефи Марс сайёрасиникига ўхшаш бўлган уйқудаги Маун-Лон вулкони ёнбошида ўтказилган мазкур тажрибада олти кишидан иборат кўнгилчилар жамоаси ўзларини яхши ҳис қилишган.

Дунё кенг

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Исмоил ТҲАТМИШОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Жамол СИРОЖИДДИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри жамоаси театри солишти, Ўзбекистон халқ артисти Аваз Ражабова отаси

Ақбар РАЖАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Беш

муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Хумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4170 Буюртма S — 4161. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ

ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИК.

ISSN 2181-614X

